БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 205 (696)

17 ОКТЯБРЬ ЧОРШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Ўртоқлар! Бутун мамлакат кутиб турипти: қандай қилиб бўлмасин пахта планини Улуғ Октябрь байрамигача, социалистик мажбуриятимизни 20 ноябргача бажарайлик!

Ўзбекистон ССРдаги саноат, транспорт ва қурилишларнинг инженерларига, техникларига ва олимларга, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, адабиёт ва санъат арбобларига, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг профессорларига, ўқитувчиларига, мактабларнинг ўқитувчиларига, врачларга—барча интеллигентларга

Ўзбекистон интеллигенцияси биринчи съездининг Мурожаати

Азиз ўртоқлар!

Совет халқи КПСС XX съездининг тарихий қарорларини зўр кўтаринки рух билан амалга оширмоқда.

КПСС XX съезди мамлакатимиз меҳнаткашлари ҳаётида, халқаро ишчилар ҳаракати тарихида зўр воқиа бўлди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси съезди коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини ишлаб чиқди. Ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлаш тўғрисида, унинг экономикаси ва маданиятини янада яшнатиш тўғрисида, халқ фаровонлигини ошириш тўғрисида, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисида Коммунистик партия қилаётган ғамхўрлик съезд қарорларида яққол кўриниб турибди.

Биз, совет кишилари, улуғ Ленин васиятлари, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ички ва ташқи сиёсатининг донолиги, марксизм-ленинизм ғолиб идеяларга тантана қилганлиги шу қарорларда яққол гавдаланганлигини кўриб турибмиз.

Мамлакатимизнинг бу йил олтинчи беш йиллик топшириқларини амалга ошириш учун курашда эришган ажойиб ютуқлари ҳаммамизни қувонтирмоқда. Социалистик саноатимиз янада юксалиш йўлидан олга бормоқда. Янги заводлар, шахталар, конлар, электростанциялар қурилмоқда, кенг истеъмол моллари кун сайин тобора кўпроқ чиқарилмоқда.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ғалла, гўшт, сут, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун хом ашё етиштиришни кўпайтириш йўлида жуда яхши ишладилар. Қўриқ ва бўз ерларни очиш мақсадида партия томонидан кўрилган тадбирлар жуда яхши ғалаба қозонди. Бизнинг мамлакатимиз ҳеч қачон бу йилгидек кўп ғалла олмаган эди.

Саноат ва қишлоқ хўжалигининг муваффақиятлари асосида меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги тўхтовсиз ошмоқда. Совет кишилари учун йил сайин тобора кўпроқ уй-жой бинолари, мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар ва маданий-оқартув муассасалари қурилмоқда. Совет фани, адабиёти ва санъати муваффақият билан ривожланмоқда. Ватанимиз халқларининг улуғ қардошлиги ва бузилмас дўстлиги коммунистик қурилишнинг партия белгилаб берган программасини бажариш учун биргаликда олиб борилаётган курашда тобора мустаҳкамланмоқда.

Совет тузуми СССРдаги ҳамма халқларнинг экономикасини ва маданиятини ҳар томонлама яшнатиш учун битмас-туганмас имкониятлар яратиб берди.

Совет Ўзбекистонининг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва интеллигенцияси мамлакатимизнинг барча қардош халқлари билан бирликда социалистик Ватанимизни янада қудратли қилмоқ учун, совет кишиларининг тобора яхшироқ яшашлари учун ҳормай-толмай ишламоқдалар.

Чор Россиясининг илгариги қолоқ чекка ўлкаси бўлган Ўзбекистон ленинчи миллий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида юксак даражада ривожланган саноатга, машиналаштирилган қишлоқ хўжалигига, илғор маданиятга эга бўлган, гуллаб яшнаётган Совет Социалистик Республикасига айланди.

Совет ҳокимияти йилларида республикада юзлаб заводлар ва фабрикалар, ўнлаб катта электростанциялар қурилди, қудратли пахта тозалаш саноати вужудга келтирилди.

Совет Ўзбекистони СССРнинг асосий пахта базасидир. Пахта ўзбек халқининг миллий ифтиҳоридир. Ўзбекистон меҳнаткашлари мана шу жуда қимматли техника экини ҳосилини тўхтовсиз кўпайтиришни ўзларининг энг муҳим ватанпарварлик бурчлари деб ҳисоблайдилар. Республика мамлакатга пилла ва қоракўлни, ғалла ва жутни, гўшт ва сутни, ёғ ва ҳамда қовун-тарвузни тобора кўпроқ бермоқда.

Бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам чинакам маданий революция қилинди. Ўзбек халқи нодонликда ва зулматда яшаган замонлар асло қайтмайдиган бўлиб ўтмишда қолиб кетди.

Ҳозирги Ўзбекистон территориясида 1914 йилда атиги 160 та мактаб бор эди, бу мактабларда асосан бойлар, савдогарлар ва амалдорларнинг болалари ўқитилар эди. Аҳоли орасида саводли кишиларнинг сони 2 процентга етмас эди. Ҳозирги вақтда республикада 5500 дан кўпроқ мактаб бор, бу мактабларда 1 миллион 300 мингга яқин бола ўқитилмоқда. Революцияга қадар бутун Туркистонда битта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди, ҳозир фақат Ўзбекистоннинг ўзидагина 35 та олий ўқув юрти, 98 та техникум ва махсус ўрта ўқув юрти бор ва буларда 96 минг студент ўқитилмоқда.

Республикада илм-фан ғоят ривожланди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва унинг илмий-текшириш институтлари, республиканинг жуда кўп илмий муассасалари муҳим халқ хўжалик проблемаларини ҳал қилмоқда.

Тошкентда Ядро физикаси институтини ташкил қилиш тўғрисида яқинда СССР ҳукумати томонидан қабул қилинган қарор республикамизда фан-маданиятни ривожлантириш тўғрисида қилинаётган ғамхўрликнинг янги, ёрқин далилидир.

Республика жуда кўп маданий-оқартув муассасаларига эга. 3370 клуб ва маданият саройлари, 3500 га яқин кутубхона меҳнаткашларга хизмат қилмоқда. Сиёсий, бадиий, илмий-техника, қишлоқ хўжалик адабиётлари ва бошқа адабиётлар жуда кўп нусхаларда нашр этилмоқда. Ўзбек, қорақалпоқ, тожик ва рус тилларида юзлаб газета, ўнлаб журнал чиқарилмоқда. Совет ҳокимияти йилларида ўзбек совет адабиёти ва санъати барқ уриб ривожланди.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг фаровонлиги тўхтовсиз ошиб бормоқда. Шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқлар ўсмоқда ва обод бўлмоқда. Уй-жой қурилиши тобора кенгайтирилмоқда. Республикада жуда кўп касалхона, поликлиника, амбулатория, медицина пунктлари, болалар боғчалари ва яслилари, санаторийлар ва дам олиш уйлари ишламоқда.

Маданий революция натижасида ўзбек совет миллий интеллигенциясининг жуда кўп кадрлари вужудга келди. Саноат ва транспорт корхоналарида, колхозларда, совхозларда ва МТСларда, мактабларда ва олий ўқув юртларида, илмий-текшириш муассасаларида ва лабораторияларда, соғлиқни сақлаш муассасаларида ва ижодий ташкилотларда минглаб ўзбек мутахассислари, олимлари, адабиёт ва санъат арбоблари ишламоқда.

Миллий интеллигенция кадрлари социалистик Ватанимиздаги ҳамма халқлар маданиятининг ва аввало рус маданиятининг самарали таъсири остида ўқитилди, ўстирилди ва вояга етказилди.

Ўзбек хотин-қизлари ижтимоий-сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида актив қатнашаётганлиги совет ҳокимиятининг улуғ ғалабасидир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати барча қардош Совет Социалистик Республикаларининг, шу жумладан Совет Шарқи республикаларининг экономикасини ва маданиятини ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

Бу ғамхўрлик олтинчи беш йиллик планда яққол ифодаланди. Олтинчи беш йиллик план бутун СССР халқ хўжалигини юксалтиришнинг умумий вазифаларини ҳар бир айрим иттифоқчи республиканинг экономикасини ва маданиятини ривожлантиришнинг конкрет вазифалари билан узвий равишда боғлади.

Ўзбекистон ССРда олтинчи беш йилликда бутун саноатнинг ялпи маҳсулоти 1,6 баравар кўпаяди. Кўмир чиқариш 2,4 баравар кўпаяди, электр қуввати ҳосил қилиш тахминан 1,6 баравар, нефть чиқариш 1,9 баравар, цемент ишлаб чиқариш уч баравар кўпайтирилади. Қишлоқ хўжалик ва тўқимачилик машинасозлиги, пахта тозалаш ва ёғ саноатлари, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш янада ривожлантирилади.

Оҳангаронда йирик азот-ўғит заводини қуриш авж олдириб юборилади. Қувасой цемент заводини реконструкция қилиш ва Фарғонадаги нефть маҳсулотлари заводи қуриш тамомланади. Ўрта Осиёда ёқилғи кучи билан ишлайдиган энг катта Оҳангарон электростанциясининг биринчи навбати келгуси йилнинг ўзидаёқ битказилади ва ишга туширилади. Ўзбек ва тожик халқлари «Халқлар дўстлиги» электростанцияси деб ном берган Қайроққум гидроэлектростанцияси тез фурсатда нур бера бошлайди. Норин ва Чирчиқ дарёларида, Мирзачўлда гидростанциялар қуриш проектлари тузилмоқда ва қурилмоқда.

Ўзбекистонда пахта етиштириш бир ярим баравар кўпайтирилади. Пахтанинг ялпи ҳосили беш йиллик мобайнида 1 миллион 240 минг тонна миқдорида кўпайтирилади ва 1960 йилда 3 миллион 700 минг тоннага етказилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисидаги қарори совет пахтачилигини янада кўпроқ юксалтириш учун ғоят катта қадамиятга эгадир.

Ўзбек халқи Мирзачўлдаги бепоён ерларни ўзлаштиришни асрлардан бери орзу қилиб келган, бу тўғрида қўшиқлар ва афсоналар тўқиган эди. Халқнинг орзуси фақат Совет ҳокимияти йилларидагина рўёбга чиқди.

Партия ва халқ иродаси билан Мирзачўл унумдор боғ-бўстонга айланадиган, пахтачиликнинг энг катта базаси бўлиб қоладиган, ҳар йили 300-350 минг тоннадан пахта берадиган, Мирзачўлдаги ерларнинг ҳаммасини ўзлаштирганда эса 1 миллион тоннадан кўпроқ пахта берадиган районга айланадиган вақт яқинлашиб қолди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисидаги қарорида Ўрта Осиё ерларини суғоришга ғоят катта аҳамият бериб келган улуғ Ленининнинг доно идеялари ўз ифодасини топди.

Ўзбек халқи Партия ва Ҳукуматнинг Мирзачўл ерларини ўзлаштириш тўғрисидаги қарорини жанговар программа деб қабул қилди. Инженерлар ва техниклар, фан ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари мамлакатимиз учун ғоят муҳим бўлган бу вазифани техника ва илмий жиҳатдан юксак даражада, тежаб-тергаб ҳаражат қилиш ва белгиланган муддатларда ҳал этиш учун ҳамма чораларни кўришни халқ олдидаги ўзларининг бурчлари деб ҳисоблайдилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг пахтакорлар тўғрисида қилаётган оталарча ғамхўрлиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ходимларини, барча меҳнаткашларни пахта етиштиришни кўпайтириш программасини бажариш учун курашга руҳлантирмоқда.

Ҳозир республикада пахта терими қизғин бораётир. Ўзбекистон меҳнаткашлари 1956 йилда мамлакатга камида 3 миллион тонна пахта бериш тўғрисидаги ўз мажбуриятларини бажаришга қаттиқ бел боғлаганлар.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини юксалтириш соҳасида ҳам республика олдида жуда муҳим вазифалар турибди. Олтинчи беш йилликда гўшт етиштириш 2,4 баравар, сут етиштириш 2,3 баравар, жун етиштириш 1,9 баравар, қора кўл териси етиштириш 1,5 баравар ва пилла етиштириш 1,6 баравар кўпайтирилиши лозим.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг республикамиз олдига қўйган вазифаларини ҳал қилишда совет интеллигенциясининг роли катта.

Биз хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларидаги ўзимизнинг амалий вазифаларимизни муҳокама қилмоқ учун социалистик Ўзбекистон интеллигенциясининг биринчи съездига тўпландик.

Бизларнинг — инженерлар ва техниклар, агрономлар ва ирригаторлар, ўқитувчилар ва врачлар, фан, адабиёт ва санъат арбобларининг, ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ҳамма ходимларнинг қиладиган ишимиз кўп, бу ишларга ўзимизнинг куч ва билимларимизни сарф қилишимиз лозим.

Совет кишиларининг улуғ меҳнат оиласида актив қатнашчи, ишчилар ва колхозчилар билан қўлни-қўлга бериб, ёнма-ён туриб, партия раҳбарлиги остида коммунистик жамият қуриш ҳаммамиз учун қувончлидир.

Ўзбекистон интеллигенцияси мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат умумхалқ ишига катта ҳисса қўшмоқда, лекин Коммунистик партия бизларни муваффақиятлар билан талтайиб кетмангиз, кибрланманг, ҳотиржамликка ва бепарволикка берилмангиз, балки камчиликларни дадиллик билан очиб ташлангиз, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлингиз, қийинчиликларни қатъият билан бартараф қилингиз, деб таълим беради.

Бизда камчиликлар оз эмас. Илғор саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар билан бир қаторда қолоқлар ҳам бор. Саноатда, транспортда ва қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ва моддий бойликлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бор имкониятларнинг ҳаммасидан ҳали тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ.

Капитал қурилиш, айниқса уй-жой-коммунал қурилиши, мактаб, сув-хўжалиги қурилишлари республикада қолоқ участка бўлиб келмоқда. Мактаблар, касалхоналар, маданият ва санъат муассасалари, олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтларининг ишларида жиддий камчиликлар бор.

Социалистик экономикани ва маданиятни яна ҳам тез суръатлар билан ривожлантирмоқ учун бу камчиликларни қатъият билан тугатиш, ишимизни ҳар томонлама яхшилаш зарур.

Биз, Совет Ўзбекистони интеллигенцияси 1-съездининг қатнашчилари ҳамма инженерларга, техникларга, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, олимларга, врачларга, ёзувчиларга, артистларга, рассомларга, маданий-оқартув муассасаларининг ходимларига мурожаат қилиб, яна ҳам яхшироқ ва фидокорона ишлашга, коммунизм қуришнинг улуғ ишига ўзларининг бутун билимларини, тажрибаларини, ижодий ғайратларини сарфлашга чақирамиз. Ҳаётимизнинг бутун моҳиятини Ватан бахт-саодати учун, халқимиз бахт-саодати учун меҳнат қилишдан иборат деб биламиз.

Саноат, транспорт, қурилишдаги инженер ва техник ўртоқлар, агрономлар ва зоотехниклар, республика халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги мутахассислар! Ишчилар ва колхозчилар билан ҳамкорликда ишлаб, Ўзбекистон ССР социалистик экономикасини янада юксалтирингиз. Техникани тараққий эттириш учун, меҳнат унумдорлигини тинмай ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун курашингиз. Пахтачиликни комплекс механизациялаш учун олимлар билан биргаликда янги, иш унуми юксак машиналар, жуда яхши технология хусусиятларига эга бўлган яна ҳам тезпишар пахта сортлари яратиб берингиз.

Ишлаб чиқариш технологияси процесларини яхшилангиз, янги, мукаммал станоклар ва агрегатлар жорий қилингиз, ишлаб турган ускуналарни такомиллаштирингиз, техникадан юксак даражада унумли фойдаланишга эришингиз.

Пахта тозалаш ва ёғ саноати ходимлари ишлаб чиқариш процесларини тўла механизациялаштирган автомат-заводлар яратиш учун курашмоқлари лозим.

Бинокор инженерлар ва техниклар! Республика меҳнаткашлари сизлардан бинолар ва иншоотларнинг тежамли проектларини кутмоқдалар. Қурилишни индустриал изларга кўчирингиз, арзон ва пишиқ бинокорлик материалларини жорий қилингиз. Иморатларни арзон ва чиройли қилиб тез қурингиз.

Саноат ва транспортдаги, қурилишдаги, қишлоқ хўжалигидаги ҳар бир мутахассиснинг ватанпарварлик бурчи — янги, илғор ташаббусларнинг ҳаммасига йўл очиш, севикли Ватанимизнинг иқтисодий қудратини тез ўстириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада оширишни таъминлаш учун ҳормай-толмай ижодий иш олиб боришдан иборат.

Ҳурматли олимлар!

Республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантириш вазифасини муваффақиятли ҳал қилиш кўп жиҳатдан сизларга боғлиқ.

Тадқиқот муассасаларининг ишларини дадиллик билан қайта қурингиз, ҳар бир лабораториянинг фаолиятини ишлаб чиқариш эҳтиёжларига максимал равишда яқинлаштирингиз. Илм-фаннинг ҳамма соҳаларидаги назарий тадқиқотларни кенгайтирингиз. Техникани тараққий эттириш, ишлаб чиқариш экономикасини ва унинг ташкил этилишини яхшилаш ишида илмий институтларнинг ролини оширингиз, коммунистик қурилишнинг энг муҳим илмий проблемаларини ва амалий масалаларини ҳал қилишга ўзингизнинг ижодий куч ва ғайратингизни сарфлангиз, фан, техника муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун астойдил ва актив курашингиз.

Химиклар нефть газлари ва табиий газлар ҳосил қилишнинг, кўмир қазишнинг, синтетик спирт, сунъий тола, эритувчи моддалар ҳосил қилишнинг, дон ва ўсимлик ёғидан техника мақсадларида фойдаланишга бутунлай йўл қўймаслик учун совуннинг ўрнини босадиган юқори сифатли материаллар ҳосил қилишнинг янги технологиясини чуқур ўрганишлари керак.

Республикада энергетика ресурсларини текшириш, Оҳангарон кўмирини ер остида газга айлантириш ва табиий газ негизида янги химия-энергетика, саноат тармоғи барпо қилиш, рудалардан металларни тағин ҳам тўлароқ ажратиб олиш, ишлаб чиқариш процесларини ва энергетика системаларини бошқаришни тағин ҳам автоматлаштириш, телемеханикалаш ишлари кенг равишда йўлга қўйилиши лозим.

Ўзбекистоннинг айрим областларида ва иқтисодий районларида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг комплекс планларини ишлаб чиқиш мақсадида республика табиий бойликларини янада чуқурроқ ўрганишни таъминлаш зарур.

Партия қишлоқ хўжалик фани ходимлари олдига муҳим ва масъулиятли вазифалар қўйди. Уларнинг бурчи — пахта агротехникаси соҳасидаги тадқиқот ишларини кучайтиришдан, Ўзбекистоннинг тупроқиклим ва иқтисодий шароитларига мос келадиган деҳқончилик системасини ишлаб чиқишдан иборат. Бу ишда пахтанинг янги, янада тезпишар, касалликларга бардош берадиган, ҳосили машина билан териб олишга мосланган сортларини яратишга жиддий эътибор бериш лозим.

Пахтакорлар ва механизаторлар қишлоқ хўжалик машиналарининг конструкторларидан — далаларни текислаб берадиган комплекс машиналар, ариқ тозалаб берадиган машиналар яратиб беришни, тағин ҳам такомиллаштирилган пахта сеялкалари, ғўзани чеканка қилиб берадиган, ўғит таёрлайдиган ва соладиган машиналар, иш унуми юксак бўлган пахта териш машиналари яратиб беришни кутмоқдалар.

Ирригаторлар ва механизаторлар республиканинг жуда катта сув бойликларидан тўғри, рационал фойдаланишнинг муҳим вазифаларини ҳал қилиб беришлари керак, чунки республикамиздаги сувли деҳқончилик ва энергетика хўжалиги сувдан фойдаланишга асосланади.

Экономист, тарихчи, философ, адабиётшунос, юрист — олимлар илм-фаннинг ўзлари ишлаётган тармоқларида, айниқса саноат, қишлоқ хўжалигининг конкрет экономикаси ва биринчи навбатда пахтачиликнинг конкрет экономикаси соҳасида муҳим проблемаларнинг тағин ҳам чуқурроқ ишлаб чиқилишини таъминлашлари лозим.

Олий мактаб ходимлари бўлган ўртоқлар!

Келгусида мутахассис бўлиб чиқадиган студентларни назарий жиҳатдан тайёрлаш ва уларнинг ижтисосларини ошириш сифатини ҳар томонлама яхшилангиз. Уларнинг марксизм-ленинизм назариясини чуқур ўзлаштириб олишларига, махсус билимларни мустаҳкам эгаллаб олишларига эришингиз. Олий мактабнинг ишлаб чиқариш билан алоқаларини мустаҳкамлангиз. Ўқувчиларга Ватанимиздаги ва чет эллардаги фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларини кенг таништирингиз, ҳамма кафедраларда систематик равишда илмий-текшириш ишлари олиб боришни ташкил этингиз.

Ўқитувчи ўртоқлар, халқ маорифининг ҳамма ходимлари!

Сизлар коммунистик жамият қурувчи ёш бўғинни тарбиялаш ва ўқитишдек фахрли ва олижаноб вазифани бажармоқдасиз.

Республикада ўрта таълимнинг тўла амалга оширилишига эришингиз, ўқувчиларнинг ўрта мактабни тамомламай кетиб қолишларига йўл қўймангиз. Дарсларнинг сифатини оширинг, илғор педагогларнинг тажрибасини чуқур ўрганингиз ва бу тажрибалардан амалда фойдаланингиз. Мактабнинг саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан алоқасини мустаҳкамлангиз, болаларга меҳнат малакаларини ва меҳнатга муҳаббатни ҳар томонлама сингдирингиз, ўқувчилар орасида тарбиявий ишларни яхшилангиз, ота-оналар билан ҳамиша яқин алоқада бўлингиз, педагогика пропагандасини кенг авж олдирингиз.

Бизнинг вазифамиз — болаларнинг ўқиши учун энг яхши шароит яратиб беришдан, ҳар томонлама мукаммал интернат-мактаблар ташкил этишдан, илғор колхозлардан ўрнак олиб, мактаб бинолари ва ўқитувчилар учун квартиралар қуриб беришни авж олдиришдан, политехника таълими учун база яратишда мактабларга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат.

Медицина ходимлари бўлган ўртоқлар!

Аҳолига медицина хизмати кўрсатишнинг сифати ва маданиятини оширингиз, медицина фанининг энг янги муваффақиятларини практикада қунт билан жорий қилингиз.

Профилактика ва касалликнинг олдини олиш сизнинг энг муҳим вазифангиз эканлигини ҳамиша эсда тутингиз. Врачлар, фельдшерлар, медицина ҳамширалари ишлаб чиқариш ва турмушда озодалик ва санитария тартиби бўлиши учун бошланган жамоатчилик ҳаракатига тағин ҳам активроқ қўшилсинлар. Аҳолининг санитария маданиятини тинмай оширингиз.

Ёзувчи, композитор, рассом ўртоқлар!

Халқ сизлардан қаҳрамон ишчилар синфимиз тўғрисида, колхоз далаларининг ажойиб меҳнаткашлари тўғрисида, табиатни ўзгартираётган, Мирзачўлнинг бепоён ерларини ўзлаштираётган ватанпарварлар тўғрисида юксак бадиий асарлар яратиб беришингизни кутмоқда. Турмушни чуқур ўрганингиз, совет кишиларини меҳнат соҳасида янги қаҳрамонликлар қилишга руҳлантирадиган асарлар яратингиз.

Съезд, ёзувчиларимиз, композиторларимиз, рассомларимиз Улуғ Октябрнинг 40 йиллик байрамигача Ўзбекистондаги шонли Октябрь кунлари тўғрисида, граждан уруши тўғрисида, Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши тўғрисида, Совет Ўзбекистонида бўлган улуғ ўзгаришлар тўғрисида давримизга муносиб янги асарлар яратиб берадилар, деб ишонч билдиради.

Ўзбек санъати ва адабиётининг Москвада бўладиган декадасига тайёргарликни кенг авж олдирингиз. Бу декада ёзувчиларимиз, композиторларимиз, рассомларимиз, артистларимиз, барча маданият ходимларимизнинг ижодий ҳисоби бўлади.

Адабиёт ва санъатнинг партиявийлиги учун, социалистик реализм принципларининг тағин ҳам мустаҳкам қарор топиши ва ривожланиши учун кураш ижодкор ходимларнинг диққат марказида туриши лозим.

Азиз ўртоқлар!

Қишлоқларимизнинг қиёфаси Совет ҳокимияти йиллари мобайнида таниб бўлмаслик даражада ўзгарди. Лекин биз қишлоқдаги маданият ҳозирги замон талабларига ҳали ҳам жавоб беларлик даражада эмаслигидан кўз юма олмаймиз, шунинг учун ҳам колхоз қишлоғининг маданиятини оширишга ҳисса қўшиш ҳар бир интеллигентнинг — инженер, агроном, ўқитувчи, врач, олим, ёзувчи, рассом, композиторнинг шаҳарда ёки қишлоқда яшашидан ва ишлашидан қатъи назар, унинг энг муҳим бурчидир.

Интеллигентларимизнинг ҳаммасини ана шундай қилишга чақирамиз.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Афғонистон элчихонасида қабул маросими

Афғонистон короли Муҳаммад Зоҳиршоҳ Ҳазрат Олийлари туғилган куни муносабати билан 15 октябрда Афғонистоннинг СССРдаги Элчихонасида қабул маросими бўлди.

Қабул маросимида Н. А. Булганин, А. И. Микоян, Н. С. Хрушчев, Г. К. Жуков, Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, армия генераллари А. И. Антонов ва И. А. Серов ва бошқалар, совет ва чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КП ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитети пахта териш ва канап-жут тайёрлаш юзасидан районлар, МТСлар ҳамда колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг якунларини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар:**

1. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бўстонлиқ районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ладушкин**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Асилбенов**) берилсин. Бу район социалистик мусобақада яхши натижаларга эришган, 10 октябрдан 15 октябргача олинган мажбуриятнинг 11,17 процента миқдорида пахта топширган, умумий мажбуриятни 71,96 процент бажарган, топширилган маҳсулотнинг сифати яхши бўлган.

Кўчма Қизил байроқ Бўстонлиқ районита Мирзачўл районидан олиб берилсин.

Область ижроия комитети ва область партия комитети октябрь ойининг учинчи беш кунлигида **Юқори Чирчиқ, Оржоникидзе** ва **Уртасарой** районларидаги колхозларнинг яхши ишлаганликларини қайд қилдилар.

2. Область ижроия комитети ва область партия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Пахта МТСида** (директори ўртоқ **Коломийцев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Сорокун**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Красавин**) қолдирилсин. Бу МТС бўйича машина билан пахта териш юзасидан бошланган социалистик мусобақада яхши натижаларга эришилган, маҳсул бошидан пландагита нисбатан 18,9 процент пахта терилган, маҳсулотнинг сифати яхши бўлган.

Область ижроия комитети ва область партия комитети **Гулистон районидаги 2, Сирдарё районидаги 1** ва **Уртасарой районидаги 2-МТС**ларнинг пахтани машина билан теришда яхши ишлаганликларини қайд қилдилар.

3. Область ижроия комитети ва область партия комитетининг кўчма Қизил байроғи қуйидагиларга берилсин:

а) **Қуйи Чирчиқ районидаги 2-МТСга** (директори ўртоқ **Турсунов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Юсупов**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Шпак**). Бу МТС социалистик мусобақада яхши натижаларга эришган, МТС зонасидаги колхозлар бўйича ўтган беш кунлик ичида 9,4 процент миқдорида жут ва канап пояси тайёрланган, канап-жут тайёрлаш юзасидан олган мажбуриятини 130,2 процент бажарган, маҳсулотнинг сифати яхши бўлган.

Кўчма Қизил байроқ Қуйи Чирчиқ районидаги 2-МТСга Юқори Чирчиқ районидаги 2-МТСдан олиб берилсин.

б) **Қуйи Чирчиқ районидаги Крупская номли колхозга** (колхоз раиси ўртоқ **Қодиров**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Абдуллаев**). Бу колхоз мусобақада яхши натижаларга эришган, ўтган беш кунлик ичида 16,6 процент миқдорида жут ва канап пояси тайёрлаган, канап-жут тайёрлаш юзасидан олган мажбуриятини 102,2 процент бажарган, маҳсулотнинг сифатли бўлишини таъминлаган.

Кўчма Қизил байроқ Қуйи Чирчиқ районидаги Крупская номли колхозга Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозидан олиб берилсин.

Область ижроия комитети ва область партия комитети канап ва жут экинларини йиғиб олиш ва тайёрлаш юзасидан октябрь ойининг учинчи беш кунлигида **Юқори Чирчиқ районидаги Ленин номли, Чкалов номли, «Политотдел», «Ленинский путь» Қуйи Чирчиқ районидаги Андреев номли, Молотов номли, «Коммунизм», Маленков номли** ва **«Қизил шарқ»** колхозларининг яхши ишлаганликларини қайд қилиб ўтдилар.

Узбекистон ССРдаги саноат, транспорт ва қурилишларнинг инженерларига, техникларига ва олимларга, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, адабиёт ва санъат арбобларига, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг профессорларига, ўқитувчиларига, мактабларнинг ўқитувчиларига, врачларга — барча интеллигентларга

Ўзбекистон интеллигенцияси биринчи съездининг Мурожаати

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Бутун идеология ишларини яхшиламоқ учун кўп иш қилишимиз мумкин ва лозим. Партия XX съездининг тарихий қарорларини шу қарорларни амалга ошириш учун олиб борилаётган амалий ишлар билан чамбарчас боғлаган ҳолда пропаганда қилишни кучайтириш бу соҳадаги ишларнинг энг муҳими, деб ҳисоблаймиз.

Догматизм ва қироатхонликнинг кенг ёйилганлиги шахсга сиғинишнинг идеология ишидаги заррали оқибатларидан биридир. Догматизм кадрларнинг назарий ўсишига ҳамиша катта тўсқинлик қилади, марксизмнинг жонли, жанговар руҳини сўсайтиради, назарияда бачаналикка ва вулгарлаштиришга олиб келади, назария қотиб қолган догмалар ва формулалар йиғиндиси деган тасаввурни туғдиради. Ижтимоий фанларни ўқитишдаги догматизм ўқувчиларнинг ижтимоий фанларни чуқур ўрганишига бўлган ҳавасини совутади, марксизм-ленинизм назариясини ижодий ўрганишга ва амалда татбиқ қилишга ҳалақит беради.

Ўзбекистон интеллигенцияси партиянинг шахсга сиғинишни ва унинг заррали оқибатларини қатъий тугатишга, догматизм ва қироатхонликнинг, идеология ишидаги абстрактлик ва бачаналикнинг ҳар қандай кўринишларини йўқотишга қаратилган йўлини қизғин табриклайди ва маъқуллайди. Партиянинг бу йўлини оғишмай амалга ошириш кундалик амалий ишимизда бизнинг вазифамиздир.

Маданий-оқартув ишлари идеология фронтининг энг муҳим участкаларидан биридир.

Маданият министрлиги органлари интеллигенцияни маданий-оқартув муассасаларининг ишларига ҳали ҳам етарлик жалб қилмаётирлар. Маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари, комсомол, бизнинг барча интеллигенциямиз маданий-оқартув ишларига аҳил бўлиб киришсалар, биз бу ишда катта муваффақиятларга эришамиз.

Ўзбекистон совет интеллигенцияси аҳоли орасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишда янада активроқ қатнашмоғи лозим. Омма орасида олиб бораётган ишимиз муайян мақсадга қаратилган, корхона, колхоз, МТС, совхознинг, ҳар бир меҳнаткашнинг вазифалари билан чамбарчас боғланган конкрет бўлиши учун ҳамма чораларни кўришимиз лозим. Социалистик мусобақани кенгайтириб юборишга ёрдам бериш, ҳар бир ходимни ўзининг меҳнати Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш учун улуғ умумхалқ курашининг бир бўлаги эканлигини тушунадиган қилиб тарбиялаш бизнинг энг муҳим вазифамиздир.

Биз шу нарсани фахрланиб айта оламизки, Ўзбекистон интеллигенцияси, Ўзбекистоннинг ҳамма меҳнаткашлари партиямиз бош йўлига, унинг ленинча миллий сиёсатига ҳамиша содиқ бўлиб келдилар, партия Марказий Комитетининг теварагига мустаҳкам жипслашиб ишлаб келдилар.

Биз КПСС Марказий Комитетини ва Совет ҳукуматини ишонтириб айтамизки, халқларнинг қардошларча дўстлигини пролетар интернационализми байроғи остида бундан буён ҳам ҳар томонлама мустаҳкамлай берамиз, буржуа идеологиясининг ҳамма кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб борамиз.

Геннал Ленин асос солган улуғ коммунистлар партияси бизни олга олиб бормоқда. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси қаҳрамонлик билан тўла ўз тарихининг ҳамма босқичларида халқ манфаатларини садоқат ва матонат билан ҳимоя қилиб келди, халқ орзуларга ва истакларининг ифодачиси бўлди. Совет халқи ўз партиясига беиҳоя ишонади ва унинг ички ҳамда ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқуллайди.

Совет халқи коммунизмнинг тўла тантана қилиши учун Коммунистик партия раҳбарлигида ғалаба қозонди, ғалаба қозонмоқда ва ғалаба қозонади.

Биз ўзимизнинг бутун билимимизни, бутун кучимизни КПСС XX съезди тарихий қарорларини бажариш учун курашга, мамлакатимизда коммунизм қуришнинг улуғ ва олижаноб ишига, бутун дунёда тинчлик учун курашга сарфлаймиз.

Улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар бўлсин!

Ишасия марксизм-ленинизмнинг ғолиб байроғи!

Илғорлар сафи кенгаймоқда

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган Тошкентдаги 4-ғишт заводининг коллективи ишлаб чиқаришда янгидан-янги ютуқларга эришмоқда. Корхона коллективи 10 ойлик плани муддатидан илгари бажариб, қўшимча равишда шаҳардаги қурилишлар учун бир неча 10 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарди.

Коллектив эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Октябрь ойининг дастлабки ҳафтасида пландан ташқари 20 мингдан ортиқ пишиқ ғишт тайёрланди. Ўртоқ И. Қаландаров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг аъзолари байрам олди меҳнат вахтасида туриб, айниқса яхши натижаларга эришмоқдалар.

Корхонада илғорлар сафи кун сайин кенгаймоқда. Олимжон Собиров, Халим Ҳакимжонов, Тойир Юнусов каби ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари ҳозирнинг ўзидаёқ 1,5-2 йиллик нормани бажариб қўйдилар.

Ғ. ИСМОИЛОВ.

КПСС Москва область комитетига ва область ижроия комитетига

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети шуни мамнуният билан қайд қиладиларки, Москва областининг колхозчилари, совхоз ва МТС ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ҳамда комсомол ташкилотлари сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида катта иш қилдилар. Область колхозлари ўтган хўжалик йилида ҳар бир сигирдан ўрта ҳисоб билан 2712 килограмм ва совхозлар 3446 килограмм сут соғиб олдилар ҳамда қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда колхозларда 220 центнердан ва совхозларда 336 центнердан сут етиштиришни таъминладилар. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин колхозларда ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сутнинг ўртача миқдори 1155 килограмм кўпайди. Москва область колхозлари сут соғиб олишни кўпайтириш учун мамлакат областьлари, ўлкалари ва республикаларининг социалистик мусобақасида биринчи ўринни олдилар. Область колхозлари гўшт ва айниқса ўчқа гўшти етиштиришни кўпайтиришда анча муваффақиятларга эришдилар.

Областда деҳқончилик маданиятини ошириш соҳасида жиддий иш қилинди. Колхозлар ва совхозлар тупроқни оҳаклашни ҳамда Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси методи бўйича органик-минерал ўғитлар аралашмасини кенг миқъёсда қўлланиб, 1955 ва 1956 йилларда дон экинларининг ҳосилий 1953 йилдагига нисбатан икки баравар оширишга муваффақ бўлдилар. Бу йил картошка етиштириш ўтган йилдагига нисбатан 2,5 баравар ва сабзавот етиштириш қариб 1,5 баравар кўпайтирилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Москва области колхозчиларини совхоз ва МТС ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия, совет ва комсомол ходимларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда эришган муваффақиятлари билан табриклайдилар ва улар эришилган муваффақиятлар билан тўхталиб қолмай, балки сут, гўшт, картошка ва сабзавот етиштиришни кўпайтириш устида бундан буён ҳам янада кўпроқ қунт билан ишлайдилар ва мамлакатимизда аҳоли учун озиқ-овқатни мўл-кўл қилиб етиштириб бериш учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Қуйи Чирчиқ район колхозчиларининг муваффақияти

Қуйи Чирчиқ районининг колхозчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари шонли партиямиз XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун курашиб, Улуғ Октябрь революциясининг 39 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасини тобора кучайтириб луб экинлари тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари — 15 октябрда 100,4 процент бажардилар. Давлатга 55908 тонна жут-каноп топширидилар. Бу ўтган йилдагига қараганда 24500 тонна кўпдир.

Район колхозчилари ва қишлоқ хўжалигининг мутахассислари давлатга қўшимча равишда яна 10 минг тонна каноп-жут топшириш мажбуриятини олдилар.

Бу йил районда жамоат чорвачилигини ривожлантириш давлат плани ҳам муваффақиятли бажарилди. Сут соғиб олиш давлат плани ҳам ошириб адо этилди. Давлатга ғалла ва шоли топшириш мажбурияти 114 процентга бажарилди. Бу йил 12800 тонна силос тайёрланди. Бу йил ўтган йилдагига қараганда 7 минг тонна ортиқ силос тайёрланди.

Ҳозир район колхозлари луб экинлари маҳсулоти топшириш юзасидан ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини шараф билан бажариш мақсадида барча имкониятлардан тўла фойдаланиб ишламоқдалар.



Ўрта Чирчиқ район Чигириқ станциясидаги дон тайёрлаш пунктида кўпгина ишлар тўла механизациялаштирилган. Суратда: қўриқ ва бўз ерлардан келтирилган донни тушириш пайти.

Хе Черсан фотоси.

Тошкент область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетида

Тошкент область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг бюроси Тошкент областидаги шаҳарларнинг ҳамда Тошкент шаҳридаги районларнинг саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ҳақидаги масалани кўриб чиқиб, қарор қилдилар.

1. Тошкент областидаги шаҳарлараро ва Тошкент шаҳридаги районлараро давлат планларини ҳамда олтинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа ташкил қилиш ҳақидаги корхона коллективларининг таклифи маъқуллансин.

2. Тошкент областидаги шаҳарлар ва Тошкент шаҳридаги районлар ўртасидаги социалистик мусобақа шартлари тасдиқлансин.

3. Мусобақа ғолибларини рағбатлантириш учун кўчма Қизил байроқ, дипломлар ва Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети ҳамда Ўзсовпрофнинг Фахрий ёрлиқлари таъсис этилсин.

4. Партия ва касаба союз ташкилотларининг зиммасига социалистик мусобақа шартларини ҳар бир ишчи ва хизматчига етказиш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари бажариш учун бўлган курашда актив иштирок этишларини таъминлаш мажбурияти юклансин.

Тошкент область шаҳарлари ва районлари саноат корхоналарининг область социалистик мусобақаси шартлари

КПСС XX съезди қарорларидан руҳланган Тошкент области саноат корхоналарининг коллективлари олтинчи беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар. Чирчиқ, Бекобод, Оҳангарон ва Олмалиқ корхоналарининг коллективлари ўртасида ўзаро социалистик шартномалар тузилди.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети ва касаба союзлари республика Совети илғор корхоналар коллективларининг ташаббусини қувватлаб, Тошкент область шаҳарлари ва Тошкент шаҳри районлари саноат корхоналарининг социалистик мусобақасини қуйидаги шартларда эълон қилади.

Область социалистик мусобақасида саноати қуйидаги шартларни бажарган шаҳар ёки район ғолиб ҳисобланади:

1. Белгиланган ассортиментда ялпи ва товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича давлат планини бажарган ва ошириб бажарган.

2. Меҳнат унумдорлигини планда белгиланганидан энг кўп ошириган.

3. Маҳсулот таннархини камайтирган ва унинг сифатини яхшилаган.

4. Хомашё, ёқилғи, электр қуввати ва ҳомашёни кўп тежаган.

5. Маҳсулотнинг янги хилларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирган ва ишлаб чиқариш топшириқларини бажарган.

6. Уй-жой ва маданий-маиший қурилиш бўйича планларни бажарган.

Шаҳарлар ва районлар саноат корхоналари социалистик мусобақасини якунлашда қуйидагилар ҳисобга олинади:

а) меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини яхшилаш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилиши;

б) меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг аҳволи, корхоналари ишлаб чиқариш маданияти даражаси.

Шаҳарлар ва Тошкент шаҳридаги районлар саноат корхоналари мусобақасини область ва шаҳар Статистика бошқармаларининг берган материаллари асосида Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети ва касаба союзлари республика Совети ҳар кварталда якунлайдилар.

Социалистик мусобақа ғолибини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети ва Касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи таъсис этилади. Биринчи ўринни эгаллаган шаҳар ва районга кўчма Қизил байроқ билан бирга диплом ҳам берилади. Иккинчи ўринни олган шаҳар ва район Фахрий ёрлиқ олади.

Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети ва Ўзсовпрофнинг кўчма Қизил байроғи, диплом ва Фахрий ёрлиқ мусобақа ғолибларига саноат ходимлари активининг шаҳар, район йиғилишида топширилади.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети ва Касаба союзлари республика Совети областдаги шаҳарлар ва районлар саноат корхоналари социалистик мусобақасининг юқоридаги шартларини эълон қилиш билан бирга, барча ишчиларни, инженер-техник ходимларни ва хизматчиларни ишлаб чиқаришда сифат ва миқдор жиҳатидан юқори кўрсаткичларга эришиш, олтинчи беш йиллик планини муддатидан олдин бажариш учун ижодий мусобақани кенг қулоч ёйдириб юборишга чақирадилар.

Хроника

Ўртоқ Х. М. Абдуллаев бошқа ишга ўтганлиги сабабли Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлиги вазифасидан озод қилинди.

Кузги дон экиш тезлаштирилмоқда

Ховос районидаги колхозларда кузги дон экиш кампанияси қизитиб юборилди. Бу иш айниқса Киров номли колхозда муваффақият билан ўтмоқда. Колхозда уруғлик донлар ўз вақтида тайёрланиб қўйилганлиги, шунингдек МТСнинг трактор ва сеялкалари сифатли ремонт қилинганлиги ҳозирги вақтда яхши ишлаш имкониятини беради.

Тракторчилардан Шевчук ва М. Махбанабиев ўртоқлар ўз агрегатлари билан кунига 33 гектар ўрнига 60-65 гектар ерга дон экмоқдалар. Сеялкачилардан Т. Зоиров, Ж. Хайдаровлар ҳам ўз нормаларини 2-3 ҳиссага етказиб бажармоқдалар. Колхознинг ўртоқ Б. Алимов бошлиқ ғаллачилик бригадасида иш ана шундай намунали ташкил этилган.

Район колхозларида кузги дон экиш билан бирга, баҳори экиндар учун ерларни шудгорлаш иши ҳам қизғин олиб борилмоқда.

Х. БОЙМАТОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ЙИЛ 16 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Бўстонлиқ	2,32	71,96
Пискент	2,11	71,56
Оржоникидзе	2,30	71,20
Ўртасарой	2,17	69,95
Юқори Чирчиқ	2,28	68,95
Мирзачўл	1,64	67,64
Оҳангарон	1,62	66,53
Сирдарё	2,02	65,73
Верхне-волинск	2,05	64,49
Бўка	2,00	64,34
Октябрь	2,04	63,16
Гулистон	1,85	62,57
Оққўрғон	1,86	61,97
Янгийўл	1,92	61,77
Чиноз	2,00	60,75
Боёвут	2,01	59,00
Ўрта Чирчиқ	1,74	58,07
Қуйи Чирчиқ	1,48	55,19
Бекобод	1,84	54,75
Калинин	2,32	53,60

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ЙИЛ 16 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
6-«Кўкорол»	1,44	66,38
«Малик»	1,67	65,72
3-«Боёвут»	1,93	61,85
1-«Боёвут»	1,99	59,18
«Оққўрғон»	1,73	57,36
2-«Далварзин»	1,76	55,29
«ЎзССР беш йиллиги»	1,48	55,19
«Дружба»	0,38	53,71
4-«Боёвут»	2,16	52,27
1-«Далварзин»	1,69	49,80
4-«Вревский»	1,75	49,47
Булганин номли	0,81	47,78
1-«Фарҳод»	1,22	45,19
Бушуев номли	1,08	39,27

Социалистик мусобақани уюштиришдаги расмиятчиликни тугатайлик

КПСС XX съездининг Директиваларида мамлакат халқ хўжалигининг барча соҳаларини, даставвал социалистик экономика асосларининг асоси бўлган оғир индустрияни янада тез темплар билан ривожлантириш, техникани янада юксалтириш ва шу асосда совет кишиларининг моддий-маданий даражасини анча оширишнинг гоят катта программаси белгилаб берилган. Оммаларнинг активлигини ва ижодий ташаббускорлигини тинмай ошира бориш, социалистик мусобақани чинакамига умумхалқ ҳаракатига айлантириш партия томонидан қўйилган ана шу вазифаларнинг муваффақият билан бажарилишини таъминловчи муҳим шартдир.

Республикамиз, шу жумладан, областимиз саноат корхоналарининг кўп сонли коллективи олтинчи беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажарин учун бошланган умумхалқ ҳаракатида актив қатнашиб, бу соҳада янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Социалистик мусобақа жараёнида кўпгина илғор коллективлар, новаторлар ва ишлаб чиқариш илғорлари етишиб чиқмоқда. Тажриба шуни кўрсатиптики, қаерда партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда хўжалик раҳбарлари социалистик мусобақани уюштириш ва ташкил қилиш ҳақида чинакамига ғамхўрлик қилаётган бўлсалар, у ерда коллективнинг ижодий ташаббуси ва меҳнат соҳасидаги ғайрати тинмай ошмоқда.

Бироқ, областимиздаги айрим саноат корхоналарида ҳали ҳам социалистик мусобақанинг қудратли кучига етарли баҳо берилмаётир. Бу соҳада формализмга, қоғозбозликка, ортиқча дабдабабозликка йўл қўйилмоқда. Миллионларнинг жонли иши ҳисобланган ва мавжуд резервлардан тўла ва унумли фойдаланишни таъминловчи социалистик мусобақа расмиятчилик билан алмаштирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон металлургия заводи, Чирчиқ шаҳридаги «Электрошчит» заводи, Олмалиқ мис комбинати, МПС машинасозлик заводи ва бошқа корхоналарда худди шундай аҳволни кўриш мумкин.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллигини ишлаб чиқаришда муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракати янги куч билан янада кенг қулоч ёйди. Коллективлар байрам шарафига ўз зиммаларига янги ошириган мажбуриятларини олиб, ҳар қачонгидан ҳам унумли ишламоқдалар. Олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш кўп жиҳатдан коллектив ўртасида социалистик мусобақанинг қандай уюштирилганлигига боғлиқдир. Афсуски, ҳали бу соҳада жуда катта камчиликлар бор. Биз Тошкентдаги 1-авторемонт заводида социалистик мусобақанинг қандай уюштирилганлиги билан ҳар тарафлама танишиб чиқдик ва қуйидаги камчиликларни аниқладик.

Шу йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган корхона коллективининг умумий йиғилишида йиллик планни муддатидан илгари — декабрда бажариш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилинган эди. Шундан бери орадан 8 ой ўтди. Афсуски, шу вақт ичида олинган мажбуриятнинг қандай бажарилаётганлиги бирор марта ҳам текшириб кўрилмаган ва унинг натижалари ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар муҳокамасига қўйилмаган. Коллективнинг мажбурияти завод касаба союз комитетининг иш делоларида тиқиб қўйилганича қолиб кетган.

Завод коллективи Тошкентдаги 2-авторемонт заводи коллективи билан мусобақадош. Бироқ бу мусобақа ҳам худди корхона коллективи ўртасида тузилган мусобақадек расмият учун тузилган. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида ҳар иккала корхона коллективи бир-бирларига ўзаро текшириш бригадаларини юбормаганлар, олинган мажбуриятнинг қандай бажарилаётганлиги билан қизиқмаганлар.

1-авторемонт заводида цехлараро мусобақа бутунлай қониқарсиз уюштирилган. Сўнгги беш ой мобайнида цехлар ўртасидаги мусобақа натижалари бирор марта ҳам якунланмаган. 5 ой мобайнида заводда мусобақада ғолиб чиққан илғор цехларга бериладиган кўчма Қизил байроқ бўлмаган. Завод раҳбарлари илғорларни тақдирлаш учун кўчма Қизил байроқ таъсис этмаган. Ана шу мисолнинг ўзиёқ шуни кўрсатиб турибдики, завод маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилоти коллективларини ўртасида социалистик мусобақани ташкил этиш масаласига ўтакетган масъулиятсизлик билан қараб келган.

Олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун, даставвал, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишни яхшилаш лозим. Бироқ бу соҳада ҳам корхонала жиддий камчиликлар бор. Шу сабабли давлат планлари кўпинча штурм билан бажарилади. Ойнинг охирларида дам олиш кунлари бошқа кунларга кўчирилади, ишчилар сверхурочний ишларга тортилади.

Завод касаба союз комитети июнь ойидан бошлаб цехлараро мусобақа натижаларини якунлайдиган бўлди. Бироқ бу тадбир ҳам фақат хўжакўрсингагина ўтказилмоқда. Завком йиғилишларида цех коллективлари томонидан ойлик планнинг қандай бажарилганлиги ҳақида қуруқ рақамларга келтирилади. Ана шу рақамларга қараб, цех ишларига баҳо берилади. Бундай расмиятчилик социалистик мусобақанинг тўб моҳиятига бутунлай ёт нарсадир. Чунки мусобақадан кўзланган асосий мақсад илғорларнинг қандай қилиб, қайси йўллар билан юқори кўрсаткичларга эришганлигини ўрганиш ва бу тажрибани бутун коллектив ўртасида кенг ёйиб, қолоқ участка ва цехларни ҳам илғорлар даражасига етказиш, қолоқ цехларнинг нима учун давлат планларини бажармаётганлиги сабабларини очиб ташлаш ва шу йўл билан уларга ёрдам беришдан иборатир.

Завком аъзолари ана шу муҳим масалалар билан жуда юзаки шуғулланмоқдалар, ишлаб чиқариш экономикасини сust ўрганмоқдалар. Шу сабабли завком йиғилишлари жуда пассив ҳолда ўтади. Шу вақтгача бирорта ҳам цех ишчилари ўртасида мусобақа натижаларининг якунлари муҳокама қилинмаган.

Цех коллективлари томонидан олинаётган мажбуриятларда мавжуд имкониятлар мутлақо ҳисобга олинмайди. Шу сабабли мажбуриятлар шартлари мавҳум тузилади. Масалан, 2-цехнинг мажбуриятида бундай жумлаларни ўқиш мумкин: иш жойларини ва цехни тартибли ҳамда озода сақлаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш ва ҳоказо. Темирчилик, электроремонт ва бошқа цехларнинг мажбуриятлари ҳам худди шу ҳилда тузилган. Уз-ўзидан кўриниб турибдики, бундай расмият учун тузилган мажбуриятлар коллективни ҳеч нарсага сафарбар қилмайди, мавжуд резерварни қидириб топиш ва улардан тўла ҳамда унумли фойдаланишга ундамайди. Корхонада социалистик мусобақани уюштиришда партия ва кенг жамоатчилик томонидан қаттиқ қораланган қоғозбозлик ва расмиятчиликдан ҳали батамом воз кечилмаган.

Ишчилар ўртасидаги индивидуал мусобақани ташкил этишда ҳам худди юқоридагидек камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Цех коллективи ўртасида ижодий ташаббускорликни оширишда профгруппаларнинг роли гоят каттадир. Бироқ, завод касаба союз комитети профгруппаларнинг ролини оширишга етарли эътибор бермаётир. Шу сабабли улар ишлаб чиқариш билан яқиндан шуғулланмаётир. Профгруппалар асосан аъзолик взносларини йиғиш билан чекланиб қолмоқдалар.

Профгруппалар ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни яхшилаш асосида коллективни давлат планларининг тўла ва ошириб бажарилишига сафарбар этиши лозим. Профгруппалар бевосита ишлаб чиқаришга жиддий қаҳ турадилар. Шу сабабли улар социалистик мусобақа қатнашчиларининг талаб ва эҳтиёжларини яхши биладилар. Профгруппалар ишлаб чиқаришдаги камчиликларни систематик суратда очиб ташлашлари ва бу камчиликларни қисқа муддат ичида тугатишни завод раҳбарларидан талаб қилишлари керак. Бироқ шундай бўлмаётир. Цехларда ишчилар йиғилиши жуда камдан-кам ўтказилмоқда. Масалан, шино-ремонт цехида 8 ой мобайнида бирор марта ҳам цех коллективининг йиғилиши ўтказилмаган. Ваҳоланки, бу цех корхонадаги бошқа цехлардан жуда орқада қолмоқда. Жумладан, автопокришкаларни капитал ремонт қилиш 9 ойлик плани бажаришмай қолди. Агарда цехдаги профгруппалар ишлаб чиқариш билан яқиндан шуғулланганларида эди, бундай камчиликнинг олдини олиш мумкин эди.

Ишлаб чиқариш кенгашлари мавжуд камчиликларни очиб ташлаш ва шу асосда техника иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашда муҳим роль ўйнайди. Бироқ корхонада ана шу жуда фойдали тадбирни амалга оширишга бефарқ қараб келинмоқда. Коллектив шартномасининг қандай бажарилганлиги ўтган 9 ой мобайнида бирор марта ҳам муҳокама қилинмаган. Шартномага қўл қўйган ва унинг бажарилишига жавобгар бўлган корхона маъмурияти ва завод комитети шу муддат ичида бирор марта ҳам ҳисоб бермаган. Шу сабабли ҳам белгиланган 11 ташкилий-техника тадбирларидан бор-йўғи бештаси амалга оширилган, холос. Шу йилнинг биринчи кварталида олинган қолиплаш машинаси ҳалигача ўрнатилмаган ва ишга туширилмаган.

Корхона маъмурияти илғорлар тажрибасини оммалаштириш юзасидан олган мажбуриятини ҳам гоят қониқарсиз бажармоқда. Корхонада смена топшириқларини системали суратда ортиқ билан бажариб келаётган илғор ишчилар ҳар бир цехда, ҳар бир участкада бор. Бироқ уларнинг тажрибаларини оммалаштириш билан ҳеч ким шуғулланмаётир.

Рационализатор ва ихтирочилар билан ишдан соҳасида ҳам жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар. Завод комитети ҳам, партия ташкилоти ҳам ишлаб чиқаришнинг техника даражасини оширишда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган бу масала билан шуғулланмаётир. 1956 йил тамом бўлай деб қолди. Лекин шу вақтгача темпик ишлаб чиқилмаган. 8 ой мобайнида рационализаторлик ва ихтирочилик масалаларига бағишланган бирорта ҳам йиғилиш ўтказилмаган. Шу сабабли рационализаторларнинг сафи кўпаймаётир. Катта коллективга эга бўлган бу корхонада рационализаторларнинг сони 25 га етмайди.

Юқоридаги ва бошқа камчиликлар корхона техника-иқтисодий кўрсаткичларининг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Завод партия ташкилоти (секретари ўртоқ Леденев) касаба союз ташкилотига яқиндан ёрдам бермаётир, унинг ишидаги камчиликларни ўз вақтида рўй-рост очиб ташламаётир. Партия бюроси шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида ўз йиғилишида бирор марта ҳам завод комитети ишини эшитмаган. Ўртоқ Леденевнинг эътироф этишича, завод комитетининг социалистик мусобақани ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш кенгашларини ўтказиш соҳасидаги фаолиятини партия бюросида муҳокама қилиш бир неча бор планлаштирилган. Бироқ шунга қарамай, бу масала бюро йиғилишида кўрилмаган. Партия ташкилоти ва унинг секретари ўртоқ Леденев корхонада юз бераётган мавжуд камчиликлардан, жумладан цехларда ишлаб чиқариш кенгашларининг ўтказилмаётганлигидан ҳам, рационализаторлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилмаганлигидан ҳам, белгиланган ташкилий-техника тадбирлари амалга оширилмаётганлигидан ҳам ва бошқа камчиликлардан жуда яхши хабардор. Бироқ шунга қарамай, партия бюроси ана шу камчиликларнинг сабабларини ўрганмаётир, уларни тугатиш тадбирларини белгиламаётир.

Партия ташкилоти ва завод комитети социалистик мусобақани уюштиришдаги формализмга бутунлай хотима бериши, профгруппалар фаолиятини жонлантириши, вақти-вақти билан ишлаб чиқариш кенгашларини ўтказиб туриши, рационализатор ва ихтирочилар билан ишлашни йўлга қўйиши, илғорлар тажрибасини оммалаштириш билан системали равишда шуғулланиши лозим. Шундагина корхонани қолоқликдан қутқариб, илғорлар қаторига етказиб олиш мумкин.

В. ЖУТОВ,
Узсовпроф ишлаб чиқариш-оммавий бўлимининг инструктори.

МУСОБАҚАДОШ ЎРТАСАРОЙ ВА ЯНГИЙЎЛ РАЙОНЛАРИДА

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ ОЛДИНГМИ, УНИ БАЖАР!

Ўртасаройликлар сизлар билан беллаша олади

Ўртасарой пахта майдони жиҳатидан ўз мусобақадоши Янгийўл районидан бирмунча кичик, лекин очиғини айтиш керак, ўртасаройликлар пахта ҳосилини йил сайин ошириш ва Янгийўлни қувиб бормоқдалар. Район 1954 йилда гектаридан 17 центнердан пахта топширди. Колхозларнинг аъзолари, механизаторлар маслаҳатлашиб, ҳосилни кескин кўпайтириш, 2-3 йил ичида ҳосилдорлик жиҳатидан илғор районлар сафига ўтиб олиш учун курашдилар. Бултур, шу маслаҳатдан кейинги биринчи йил якуни чакки бўлмади. Ҳар гектар ердан 21,5 центнердан, яъни 1954 йилдагига нисбатан гектарига 4,5 центнердан ортиқ пахта йиғиб олинди. Пахта ҳосилини ошириш йўлларини яхши билиб олган Ўртасаройликлар бу йил ҳар гектар ердан 25,5 центнердан пахта топшириш ҳаракатидалар.

Ўртасаройликлар шу кунларда пахта териш ва тайёрлаш соҳасида ўз мусобақадошлари янгийўлликларга нисбатан 10 процентга яқин олдиндалар. Ўзбек колхозчилар ўз раисларини чиндан ҳам ҳурматлайдилар. Ҳозир шу колхоз суръатни кучайтириб, районда биринчи ўринга чиқиб олиптн. 11 октябрдан бошлаб колхоз 1000 гектар ернинг ҳар гектаридан 23 центнердан ошириб пахта топширгани учун устама мукофот олабошлапти.

«Полярная звезда» колхози қишлоғидан ўтиб, қўшни «XIX партсъезд» колхозига борганимизда ҳам қишлоқда ҳеч кимни учрата олмадик. Бу колхозда ҳам, қўшни колхозларда ҳам қишлоқда бирор одам йўқ-у, лекин далага чиқсангиз, ҳамма шу ерга кўчиб келган бўлса керак, деб ўйлайсиз. Пахтакорлар ҳам, мактаб ўқувчилари ҳам, шаҳарлик биродарлар ҳам шу ерда. Шунинг учун бўлса керак, бу колхозлар пахта тайёрлаш юзасидан берилган кундалик ва ўн кунлик топшириқларини ошириб бажармоқдалар. Улуғ Октябрь байрамига муносиб совға тайёрлаш учун астойдил курашмоқдалар.

ПАХТА — ДЎСТЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Кечга томон Оржоникидзе номли колхоз даласига келдик. Бу ерда колхозчилар билан елкама-елка пахта тераётган азамат шаҳарликларни кўрдик, уларнинг меҳнатига қойил қолдик. Буларнинг ичида яқингинада Москвадан Тошкентга ишлаш учун келган ёш қизлар жуда кўп эди. Улар пахтанинг қандай ўсишини биринчи марта ўз кўзлари билан кўрмоқдалар. Тамара Ивановна Романова колхозга келган биринчи кунда чаноқда лўппа очилган пахтани икки қўллаб олар экан, уни бағрига босди.

— Вой, қандай яхши бўлар экан пахта... — деди Тамара.

Мана ҳозир у шу колхозда бир ойдан бери пахта теряпти. Ҳар куни 45-50 килограмма етказиб пахта тераётган Тамара Ивановна сингари қизлар бу ерда кўп. Валентина Дмитриевна Пяткина, Любовь Николаевна Алексеенко, Нина Федорова, Павел Третьяков, Клава Гусева сингари ўнлаб қиз ва йигитлар пахтакор дўстларига катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ўртасарой район колхозларида Тошкентдаги бир қанча ўқув юртларининг студентлари, Қорасув районидан чиққан меҳнаткашлар пахтани тез териб олишда колхозчиларга амалий ёрдам бермоқдалар.

Колхоз правленилари ёрдамчилар учун яхши шароит яратиб бераётганликлари учун ҳам уларнинг меҳнат унуми дурust.

РАИС ҚЎШИМЧА МАШИНА СУРАЯПТИ

Юқорида айтиб ўтилган «Полярная звезда» колхози бундан учтўрт кун илгари район сводкасида иккинчи ўринда эди. Раис, парторг, агроном ўтириб, ҳисоблаб чиқишди. Раис: «Агар машинани кўпайтирмасак, биринчи ўринга чиқиб олиш қийин бўлади», — деди. Унинг бу таклифини ўтиргандар маъқуллашди. Шу топда раис телефон трубкасини олиб, МТСни сўради.

—Салом, мен Ким Пен-хваман... Раҳмат, ўзингизнинг соғлиғингиз қалай?.. Ҳа ҳали ҳам иккинчи ўриндамиз... Лаббай, машина бердa, деди ҳамроҳимиз, бу қишлоқнинг таърифи бутун республикамизга тарқалган. Шаҳар тусига кириб қолган десак, муболаға бўлмайди. Бу ерда янги типда қурилган уйлар, радиоузел, электростанция, катта клуб, аптека қишлоқ қиёфасини ўзгартириб юборган. Правление идорасининг рўпарасидаги катта электр соат тўрт томондан кўриниб турипти. Кундузги соат 4 да шу ерга етиб келдик. Правлениеда чўт қоқиб ўтирган икки қиздан бошқа ҳеч кимни учрата олмадик.

Далама-дала юриб, колхоз раиси, уста пахтакор Ким Пен-хвани кўча юзасидаги хирмонда учратдик. Ўртоқ Ким Пен-хва колхозда эришилаётган ютуқлар ҳақида ҳеч вақт мағрурланиб гапирмайди. У, қилаётган ишини пеш қилишни ёмон кўради. Колхозчилар ўз раисларини чиндан ҳам ҳурматлайдилар. Ҳозир шу колхоз суръатни кучайтириб, районда биринчи ўринга чиқиб олипти. 11 октябрдан бошлаб колхоз 1000 гектар ернинг ҳар гектаридан 23 центнердан пахта топширгани учун устама мукофот олабошлапти.

«Полярная звезда» колхози қишлоғидан ўтиб, қўшни «XIX партсъезд» колхозига борганимизда ҳам қишлоқда ҳеч кимни учрата олмадик. Бу колхозда ҳам, қўшни колхозларда ҳам қишлоқда бирор одам йўқ-у, лекин далага чиқсангиз, ҳамма шу ерга кўчиб келган бўлса керак, деб ўйлайсиз. Пахтакорлар ҳам, мактаб ўқувчилари ҳам, шаҳарлик биродарлар ҳам шу ерда. Шунинг учун бўлса керак, бу колхозлар пахта тайёрлаш юзасидан берилган кундалик ва ўн кунлик топшириқларини ошириб бажармоқдалар. Улуғ Октябрь байрамига муносиб совға тайёрлаш учун астойдил курашмоқдалар.

ПАХТА — ДЎСТЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Кечга томон Оржоникидзе номли колхоз даласига келдик. Бу ерда колхозчилар билан елкама-елка пахта тераётган азамат шаҳарликларни кўрдик, уларнинг меҳнатига қойил қолдик. Буларнинг ичида яқингинада Москвадан Тошкентга ишлаш учун келган ёш қизлар жуда кўп эди. Улар пахтанинг қандай ўсишини биринчи марта ўз кўзлари билан кўрмоқдалар. Тамара Ивановна Романова колхозга келган биринчи кунда чаноқда лўппа очилган пахтани икки қўллаб олар экан, уни бағрига босди.

— Вой, қандай яхши бўлар экан пахта... — деди Тамара.

Мана ҳозир у шу колхозда бир ойдан бери пахта теряпти. Ҳар куни 45-50 килограмма етказиб пахта тераётган Тамара Ивановна сингари қизлар бу ерда кўп. Валентина Дмитриевна Пяткина, Любовь Николаевна Алексеенко, Нина Федорова, Павел Третьяков, Клава Гусева сингари ўнлаб қиз ва йигитлар пахтакор дўстларига катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Ўртасарой район колхозларида Тошкентдаги бир қанча ўқув юртларининг студентлари, Қорасув районидан чиққан меҳнаткашлар пахтани тез териб олишда колхозчиларга амалий ёрдам бермоқдалар.

Колхоз правленилари ёрдамчилар учун яхши шароит яратиб бераётганликлари учун ҳам уларнинг меҳнат унуми дурust.

РАИС ҚЎШИМЧА МАШИНА СУРАЯПТИ

Юқорида айтиб ўтилган «Полярная звезда» колхози бундан учтўрт кун илгари район сводкасида иккинчи ўринда эди. Раис, парторг, агроном ўтириб, ҳисоблаб чиқишди. Раис: «Агар машинани кўпайтирмасак, биринчи ўринга чиқиб олиш қийин бўлади», — деди. Унинг бу таклифини ўтиргандар маъқуллашди. Шу топда раис телефон трубкасини олиб, МТСни сўради.

—Салом, мен Ким Пен-хваман... Раҳмат, ўзингизнинг соғлиғингиз қалай?.. Ҳа ҳали ҳам иккинчи ўриндамиз... Лаббай, машина бермасангиз бўлмайдиганга ўхшайди, қўшнимиз роса босяпти... Яна 5 та юборсангиз бўлади... 15 та машина билан икки кунда ўтиб кетамиз... Хўп, раҳмат...

Раиснинг илтимоси қондирилди. Эртасига колхоз даласида 15 та машина ишлай бошлади. Дастлабки куни биринчи ўринга чиқа олмаган бўлсалар ҳам, иккинчи куни яна бир ҳаракат қилиниб, биринчи ўрин эгалланди. Энди ана шу дастлабки ютуқни мустаҳкамлаш ва илғорликни қўлдан бермаслик «Полярная звезда» колхози пахтакорларининг диққат-эътиборида. Ҳозир бу колхозда иккита бригада — Люк Сен-хван, Ғулом Баётов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан 24-26 центнердан пахта топшириб, йиллик планни муваффақиятли бажардилар. Шу бригадалар даласида бўлганимизда, пахтакорлар яна гектаридан 8-10 центнердан пахта бериш учун курашамиз, бу сўзимизнинг устидан албатта чиқамиз, дедилар.

Шу кунларда «Полярная звезда» колхозида 15 та пахта териш машинаси ишлаб турипти. Механик-ҳайдовчи Хван Алексей кунига 2,5-3 тонната етказиб пахта тераётир. Механизаторлар ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишда, колхоз бўйича ҳар гектар ердан 32 центнердан пахта топшириш юзасидан олинган мажбуриятни муваффақиятли бажариш ишида колхозчиларга амалий ёрдам бермоқдалар.

СУРЬАТНИ ЯНАДА ОШИРИШ КЕРАК

Ўртасарой райони умуман областда илғор ҳисобланса ҳам, лекин районнинг янада илғор бўлишлигига ўзининг яхши ишламаслиги билан тўсиқ бўлаётган колхозлар ҳам бор. Свердлов номли колхоз майдони жиҳатидан ҳам, топширилган пахтаси жиҳатидан ҳам районда катта салмоққа эга. Аммо бу колхоз пахта тайёрлашда кўп колхозлардан анча орқада қолмоқда. Ўтган йилларда камқувват ҳисобланган «XIX партсъезд» колхози сводкада иккинчи ўринда-ю, Свердлов номли колхоз эса ҳали жуда орқада. Колхоз раиси Мўйдинжон Муҳамаджонов пахтачиликни яхши билади. У, эҳтимол: «яхши от кейин чопади...» демоқчидир. Йўқ, ўртоқ Муҳамаджонов, эрта-индин «Полярная звезда», «XIX партсъезд» сингари колхозлар маррага етиб, ўзиб кетганларидан кейин яхши отни илдам чопиши қизиқ эмас. Ҳозир социалистик мусобақада ғолиб чиқиш учун, Янгийўлдан бундан ҳам ўзиб кетиш учун бошланган кураш қизғин тус олганда, ўз кучингизни кўрсатиб қолинг!

Ахир, Свердлов номли колхоз 1100 гектар ерда пахта ўстиради. Ҳазилакам гап эмас! Агар сиз ишни бўшатмай, суръатга-суръат қўшсангизгина районда ҳозиргидек 1,7-1,8 эмас, 2 процент ҳатто ундан ҳам кўпроқ пахта топшириш мумкин.

Ўртасаройликлар ўз мусобақадошлари янгийўлликлар билан беллашаётган ҳозирги пайтда дейдиларки:

— Биз ўтган йили пахта тайёрлаш планини 5 ноябрда бажарган бўлсак, бу йил ана шу вақтни қисқартириб, планимизни 1 ноябрда тўла адо этамиз!

Янгийўллик пахтакор ўртоқлар, сиз ўз мусобақадошларингиздан ўтган йили ҳам анча орқада эдингиз, бу йил ҳам кейинда қолмоқдасиз. Агар ҳозирги ғанимат кунларнинг ҳар бир соатидан тўла ва унумли фойдаланмасангиз, ёз бўйи фидокорона меҳнат туфайли етиштирилган ҳосилни тўла йиғиб ололмай, қишли-қировли кунга қолиб, бултургига ўхшаш анча қийналасиз.

Ўртасаройликлар ўз мусобақадошлари, сиз, янгийўлликларнинг яқин кунларда пахта териш ва тайёрлаш суръатини оширишингизга ишонадилар — бу йўлда улар сизларга муваффақият тилайдилар!

С. МАҲКАМОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири

Бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлайлик

Октябрнинг иккинчи ярми ўтиб бормоқда. Улуғ айём — Октябрь байрами яқинлашиб келмоқда. Шу улуғ байрамга муносиб меҳнат совғаси тайёрлаш ҳар бир пахтакор, механизатор, шаҳарлик гражданларнинг жонажон иши, муқаддас бурчи.

Ҳали минг-минг тонна пахтамиз чаноқларда турибди. Агар ҳаракатни кучайтирмасак, ана шу ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш учун барча куч ва воситаларни тўла сафарбар этмасак, кўп меҳнат туфайли бунёдга келган ҳосилимизнинг бир қисми нобуд бўлиши, йиғим-терим ишлари қора совуқларгача чўзилиб кетиб, ишни қийинлаштириши мумкин.

Мусобақадош Ўртасарой ва Янгийўл районларининг пахтакорлари социалистик мусобақада ғолиб чиқиш шу кунлардаги фидокорона меҳнатга боғлиқ эканлигини унутмасликлари зарур. Ўртасаройликлар область сводкасида биринчи ўринга чиқиб олиш, янгийўлликлар эса уларга етиб олиш учун курашишлари керак. Бу районларнинг пахтакорлари ҳар бир минутдан унумли фойдалангандагина, теримчилар учун қулай шароит яратиб бергандагина ана шу муваффақиятга эриша оладилар.

Йиғим-терим ишлари тобора қизғин тус олиб, маррага яқинлашаётганимизда ишлаб чиқариш командирлари — бригада, звено бошлиқлари ўз участкаларида илғорликка эришиш учун курашсалар етиштирилган мўл ҳосил сира нобуд қилинмай, йиғиб-териб олинади ва ўз вақтида давлатга топширилади.

* * *

ЎРТОҚ БРИГАДИР, колхозда графикнинг бажарилиши даставвал Сизнинг ғайрат билан ишлашингизга, колхозчилар оммасини йиғим-теримга тўла сафарбар этишингизга, кундалик топшириқни ошириб бажариш учун уларга чиниқамига ғамхўрлик қилишингизга боғлиқ.

Шуни унутмангки, ҳозирги очиқ ҳаволи кунда 2-3 процент пахта тайёрлашдан ёғингарчилик пайтида ярим процент пахта тайёрлаш қийин. Куз фаслининг очиқ ҳаволи ҳар соат, ҳар бир минутидан тўла ва унумли фойдаланинг!

* * *

КОЛХОЗЧИ ЎРТОҚ, ёз бўйи фидокорона меҳнатинг туфайли етиштирилган ҳосилнинг кўп қисми ҳали далада, уни тезроқ йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш керак. Агар сиз ана шу ўз бойлигингизни барвақт йиғиштириб олиш учун ҳозирги кунларда астойдил ишламасангиз, қишқировли кунларга қолиб бир иш икки иш бўлади. Шунинг учун бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ ишлашга ҳаракат қилмоқ ҳар бир колхозчи эр-аёлнинг ватанпарварлик бурчидир.

* * *

ЎРТОҚ МЕХАНИЗАТОР, пахтакорлар Сизнинг мўл ҳосил етиштириш соҳасидаги меҳнатингиздан ғоят миннатдор. Сиз ана шу мўл ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олишда машинадан унумли фойдаланинг. Халқ бойлиги ҳисобланган пахтанинг бир грамми ҳам нобуд бўлишига йўл қўйманг.

Ҳар бир кишининг пахта теримида актив қатнашиши, ватанпарварлик бурчини адо этиш пайти келди.

ҲАММА ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА!

Янгийўл, мусобақадошларингиз сизлардан ўзиб кетмоқда

Янгийўл районидаги колхозларда бўлсангиз, бу йил мўл ҳосил етиштирилганлигини кўриб, кувонасиз, азамат пахтакорларнинг меҳнатига таҳсин ўқийсиз. Бундай мўл ҳосилни етиштиришда янгийўлликлар чакана меҳнат қилмадилар.

Янгийўл райони 11257 гектар пахта майдонига эга бўлган, ҳар гектардан 31 центнердан пахта ҳосили топшириш мажбуриятини олган азамат район. Бу район областда эмас, ҳатто республикада ҳам юқори ҳосилли ва йирик районлардан бири ҳисобланади.

Ахир Янгийўл райони бир вақтлар қаҳрамонлар райони бўлган-ку. Тилла Тўроев, Абдумалик Шерматов сингари донгдор пахтакорлар шу райондан чиққанку. Нега ҳозир, пахтачиликни ривожлантириш учун барча имконият мавжуд бўлган бир пайтда янгийўлликлар ўз шуҳратларини тиклаб ололмаётгандилар?!

Ўтган 2-3 йил ичида қилинган ишларни кўриб чиқсангиз, Янгийўл районида ҳосилдорлик ўсиш эмас, пасайиб кетганлигини пайқаб оласиз. 1951 йилда ҳар гектар ердан 31,7 центнердан пахта топшириб, ҳаммани қойил қолдирган янгийўлликлар 1952 йилда ҳосилни гектар бошига 3,7 центнердан камайтириб юбордилар. 1955 йилда ҳосил бундан ҳам камайиб кетди. Янгийўл ўзининг ўрнини Оржоникидзе районига бериб қўйди!

Областимизда шундай районлар борки, ҳосилни йил сайин ошира бориб, илғорларга тенглашиб олиш, ҳатто улардан ўзиб кетиш учун курашмоқдалар. Шу район билан мусобақадош бўлган Ўртасарой райони бу йил бўлмаса келгуси йилда гектар бошига ҳосил олиш жиҳатидан Янгийўлдан ўтиб кетиши аниқ бўлиб қолди!

ФОЙДАЛАНИЛМАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

Пахта йиғим-терими учун курашнинг энг қизғин ва энг масъулиятли даври ўтмоқда. Илғор районлар ҳар куни 2-2,5 процент миқдорида пахта топширмоқдалар. Аммо бир вақтлар пахтачиликда ҳаммага устоз бўлган, айни вақтда ҳамма кўз тикиб турган Янгийўл районида пахта терими суст бормоқда. Ички имкониятлар етарли бўлган ҳолда пахта терининг суст борини жуда ажабланарлик ҳол. Бу аҳволни ҳозиргача район ва айрим колхоз раҳбарлари «бу йил тўқай ерларда пахта яхши очилдию, — аммо қир ерлардаги пахталаримиз яхши очилмади» деган баҳонани бўкач қилиш билан хаспўшлаб кедилар.

Бунга энг олдин машина билан эгилиб, машина билан парваришқилинган пахталарни машина билан териб олинмаётгани сабаб бўлаётир. Бир вақтлар ҳар қандай машиналар энг олдин Янгийўл районида синаб кўрилиб, бошқа жойларга тарқаларди. Иккинчи сўз билан айтганда, Янгийўл машинанинг макони эди. Аммо ҳозир шундай бўлмай қолди. Қанча ҳаракат ва қанча ташвиш билан ва неча миллион сўм пуллар сарф қилиниб келтирилган ва ремонт қилинган 75 та пахта териш машинаси бу йил мутлақо ишлатилмади. Колхозларда неча минг сўм пул сарфлаб, гўза баргини сунъий равишда тўкдириш учун дорилар келтирилди-ю, гўзага сепилмади, самолётлар қўнадиган майдончалар қилинди-ю, самолётлар учирилмади. Қўшни Октябрь районининг Киров номли колхозида пахта терими машиналари намунали ишлатилган ҳолда, Янгийўл районининг бирор колхозида машина билан пахта териш лозим топилмади. Наҳотки, Янгийўлда бирор гектар ер машина ишлаши учун қулай бўлмаса?!

Янгийўлда бошқа районларга қараганда ишчи кучлари жуда кўп. Бироқ, шу кунларда район раҳбарлари билан суҳбатлашиб қолсангиз, Тошкентдан келган ёрдамчиларнинг бошқа районларга юборилганидан шикоят қила бошлайдилар. Улар шунинг билан, ишдаги сусткашликни хаспўшламоқчи бўладилар-у, аммо райондаги мавжуд ишчи кучларини тўла сафарбар этиш ҳақида кам қайғирадилар. Райондаги колхозларда 9700 киши пахта теримига қатнашмоғи керак, шундан 10 октябргача фақат 6500-6600 киши қатнашмоқда. Колхоз далаларида Тошкент ва Янгийўл шаҳарларидан келган 6967 киши пахта тераётгани ҳолда, колхозларнинг ўзида бўлган 2588 киши пахта теримига қатнашмаётир.

ЙИГИТЛАР: — Сендан пахта териш, биздан қоплаш...
В. Зиновьев чизган расм.

Район ва колхоз раҳбарлари бу ишчи кучларини тўла сафарбар этиш ўрнига, кўпроқ шаҳарга умид боғламоқдалар.

ҲАЙБАРАКАЛЛАЧИЛАР

«XIX партсъезд» колхозининг идорасида бош бухгалтер билан секретардан бўлак ҳеч ким кўринмайди. Чойхонага қулф урилган, саргаронхона, магазин ёпиқ. Идорадаги ўртоқлар: «Ҳамма пахтада, кўчада пашша ҳам учмайди, ҳатто идорада ишловчи 26 киши ҳам далага чиқиб кетди» — дейдилар. Бу сўзларни эшитган киши беихтиёр кувонади. Лекин биз 2-бригада ерига кетаётиб, бу гапларнинг мутлақо нотўғри эканлигини англадик.

Ўртоқ Роби Қурбонова бошлиқ бригаданинг хирмонида Кўчқор Қўлматов деган йигит пахта тортиб олиптн.

— Сиз табелчимисиз? — сўрадик ундан.

— Йўқ, мен ёрдамчи табелчиман. Асли табелчи Олим Қосимов, у ҳозир бош табелчи Турсунбой Сиддиқов билан одам айтгани кетди, — деди.

Соат 1 бўлиб қолган бўлса ҳам, энди 11 киши бир этаждан пахта териб топширган экан.

— Қолган теримчилар пахта топширмадими?

— Улар соат 10 ларда ишга чиқишди, — деди ёрдамчи табелчи.

Соат 2 ларда табелчи ўртоқ Қосимовни катта хирмонда учратдик.

— Кўчқор Холматов сизнинг ёрдамчингизми?

— Менинг ёрдамчим Эркин Акромов, — деди.

Маълум бўлишича, бу бригадада 3 та табелчи бор экан. Табелчи Қосимовнинг ёрдамчиси Акромов, Акромовнинг ёрдамчиси Холматов экан, яъни бу бригадада ҳар 8 кишига бир амалдор тўғри келар экан, аммо ишнинг мазаси йўқ...

Ўртоқ Гулсара Тўлаганова бошлиқ бригада хирмонига борган киши шундай картинани кўради: кичик хирмон, у ерда бир ярим қоп пахта бор. Табелчидан бўлак Мавлон Бекетов, Раҳимберди Олдиёров деган икки азамат йигит қанор очиб турипти. Кичкина қизча терган пахтасини қанорга тўкмоқда. Азамат йигитлар қизчани «баракалла жияним, баракалла, тез-тез тер» деб олқишламоқдалар. Бу ҳол ҳаммани ажаблантиради. Наҳотки, шундай норғул йигитлар пахта теришни ор деб билсалар?!

Идорада ишловчилар шу бригадага келиб, пахта теришлари керак экан, лекин суриштирилганда, бу ерда 26 кишидан фақат 3 киши ишлаётгани, қолганлари идорада ҳам, далада ҳам йўқлиги маълум бўлди. Кимдир кулиб: «Хўжайинлар ишга кўпириклаги чойхонада ош қилишаётган бўлсалар керак...» деди пичинг қилиб.

Бу пичинг ўринли эди. «XIX партсъезд» колхозида соғлом кишилар кўп. Ҳалигача 240 киши пахта теримига жалб этилмаган. Аммо бу колхоз раҳбарлари ҳам мавжуд ишчи кучларини тўла сафарбар этиш, ишга жалб этилган кишилардан тўғри, унумли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш, қўша-қўша табелчиларни йўқотиш тўғрисида кам бош қотирмоқдалар. Биз колхоз раиси ўртоқ Воҳидов билан учрашганимизда, у ёрдамчи олиб келиш мақсадида Тошкентга бориб келганини айтди. Мана бу колхоздаги ўртоқлар ўзларида бўлган ишчи кучларини тўла сафарбар этмаган ҳолда, нуқул Тошкентга қараб югурмоқдалар.

Фрунзе номли колхозда аҳвол «XIX партсъезд» колхозидагидан яхши эмас. Бу ерда ҳам терим суръати ниҳоят даражада паст. Бу колхоз раҳбарлари колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ишига бефарқ қараб келмоқдалар. Олимбеков бошлиқ бригада аъзоларидан кўпгина киши ҳалигача пахта терими даридаги меҳнатларига ҳақ олмаганлар.

Бу колхозда ҳам машинадан фойдаланиш ҳақида ўйлаб кўрилмаган. Ремонтдан чиқарилган машиналар бекор турибди. Механизаторларнинг бир қисми пахта тераётган бўлса, бир қисми бекор юрибди. Фрунзе номли колхозда ишлаб турган Янгийўл шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг ходимларидан А. Сеняевкий, Ойқарам Тошхўжаева сингари ўртоқлар кунига 100 килограмма етказиб пахта тераётирлар. Лекин уларга бириктирилган арава тарилган пахталарни шудгордан ташиб чиқмай, одамларни сарсон қилмоқда.

ИШЧИ КУЧЛАРИ ТЎҒРИ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ КЕРАК

Янгийўл район раҳбарлари шаҳардан келган ёрдамчиларни колхозлардаги ҳақиқий аҳволни ва ички имкониятларни ҳисобга олмаган ҳолда тақсимламоқдалар. Тўғри, Ленин номли колхоз 2100 гектар пахта майдонига эга бўлган гигант колхоз. Бу колхоз қишлоғида яшаб турган аҳолининг сони 7 мингдан ошади. Ҳозир бу колхоз далаларида 2114 киши ишлаяпти, лекин колхоз аъзоларидан 400 га яқин киши пахта теримига жалб этилмаган. Район раҳбарлари колхоз раҳбарларидан мана шу одамларни ишга тўла жалб этишни талаб қилиш ўрнига шаҳардан келган 1045 кишини шу колхозга юбордилар. Аксинча, юқори ҳосилли, лекин кам ишчи кучига эга бўлган Хрушчев номли колхозга 260 киши юборилди. Шаҳардан келган 6967 кишини бошқа колхозларга тақсимлашда ҳам айнан шундай аҳвол рўй бермоқда. Ишчи кучлари кўп колхозларга кўп, ишчи кучлари кам колхозларга кам киши юборилаётир. Янгийўл райони мусобақадош ўртасарой районидан кейинда қолиб кетди. Янгийўлликларнинг ўртасаройликларга етиб олишлари учун 9 районни босиб ўтишлари керак!

Янгийўлликларнинг ўз шуҳратларини тиклаб олишларига самимий тилакдош бўлган ҳамма кишилар шу камчиликларнинг тезроқ бартараф этилишини истайилар.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.







Суратларда: 1. Пискент районидаги Молотов номли колхознинг илғор бригада бошлиғи ўртоқ Бўри **Турсунов.** У бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан 24 центнер ўрнига 26 центнердан пахта топшириш юзасидан олган мажбуриятларини ортиғи билан бажариш учун курашмоқдалар. 2. Ўрта Чирчиқ районидаги 1-МТСнинг Ленин номли колхозда хизмат қилаётган механик-ҳайдовчиси ўртоқ **С. Хожиаҳмедов** СХС — 1,2 машинаси билан пахта тераётир. У ўз агрегатидан унумли фойдаланиб, кундалик топшириқни 2-3 ҳиссага етказиб бажармоқда. 3. Сирдарё районидаги Тарас Шевченко номли колхознинг 15 минг килограммчи теримчиси ўртоқ **Ў. Суворова.** 4. «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг партия ташкилоти секретари ўртоқ **В. Қолжонов** кўрак чувиш машинаси тозалаб чиқарган пахталарни қўздан кечирмоқда. 5. Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи коммунист ўртоқ Холматжон **Қўлдошев.** Бригада аъзолари етиштирилган мўл ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. **Р. Рустамов, М. Шевелев, И. Глауберзон** ва **В. Сироткин** фотолари.

Биринчи хитой автомобиль заводи Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган эди. Совет мутахассислари хитойлик дўстларга бу заводнинг проектини тузишда ёрдам бердилар, завод қурилишида ҳамда уни ускуналаш ва монтаж қилишда қатнашдилар. Кўпгина совет машинасозлик заводлари бу завод учун ускуналар ишлаб чиқариш билан шуғулландилар. **Суратда:** совет мутахассиси **М. П. Рошчин** хитойлик ишчиларга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Юань Лин фотоси, Синьхуа агентлиги.

ИНДОНЕЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИ СУКАРНО ХИТОЙДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ПЕКИН, 15 октябрь. (ТАСС). Индонезия Республикасининг президенти Сукарно ва унинг ҳамроҳлари бугун самолёт билан Куньминдан ватанига жўнаб кетди.

РАНГУН, 15 Октябрь. (ТАСС). Индонезия президенти Сукарно ва унинг ҳамроҳлари Хитой Халқ Республикасидан ватанига кетаётиб, бугун Рангунга келдилар.

Аэродромда президент Сукарнони Бирма бош министри У Ба Све, Бирма ҳукуматининг министрлари, Рангундаги бир қанча чет эл дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари кутиб олдилар.

Президент Сукарно Рангунда Бирма Иттифоқининг Президенти Ба Унинг меҳмони бўлиб бир кун туради ва шундан кейин Индонезия тегишли ёзма ўтиниш зарур.

СУНАКАВА АҲОЛИСИНИНГ ҒАЛАБАСИ

ПЕКИН, 15 октябрь. (ТАСС). Японияда олинган хабарларга қараганда, кеча Япония миллий мудофаа бошқармасининг бошлиғи Фунада Сунакава шаҳри районида бу ерда жойлашган Америка ҳарбий-ҳаво базасини кенгайтириш мақсадида олиб борилаётган ер ўлчаш ишларини тўхтатиш тўғрисида ҳукумат қарор қабул қилганлигини эълон қилган.

Бу ҳарбий базанинг кенгайтирилишига қарши чиқаётган Сунакава аҳолисига ва уни қўллаб-қувватлаётган касаба союзлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари вакилларига қарши йирик полиция кучлари юборилган эди, бунинг натижасида тўқнашувлар юз берган ва бу тўқнашувлар натижасида бир мингдан кўпроқ киши ярадор бўлганлиги илгари хабар қилинган эди.

Бугун Сунакавада шаҳар аҳолиси ва ҳарбий базанинг кенгайтирилишига қарши кураш қатнашчиларининг оммавий митинги бўлди. Митингда сўзга чиққанларнинг ҳаммаси шу жумладан, Сунакава шаҳрининг мэри Миндзаки, социалистлар партиясининг раиси Судзуки ва Япония Коммунистик партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Носака уқтириб ўтдиларки, Сунакавада олиб борилаётган ер ўлчаш ишларининг тўхтатилиши — Япония жамоатчилигининг бирлашган ҳаракати натижасида эришилган ғалабадир. Ана шу ғалабага таяниб, чет эл ҳарбий базаларига қарши бутун мамлакат миқёсида олиб борилаётган кураш ва ўлчаш ишлари ҳам ғалаба қозониш зарур.

СССРда итальян кинофильмлари ҳафталиги

15 октябрда Москвада СССРда биринчи марта итальян кинофильмлари ҳафталиги бошланди. Москваликлар Италия кинематографиясидаги турли оқимларнинг вакиллари бўлган режиссёрлар томонидан яратилган яна еттита бадиий фильм билан танишадилар. (ТАСС).

Иордания Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилди

НЬЮ-ЙОРК, 15 октябрь. (ТАСС). Бугун Иорданиянинг БМТдаги вакили Монеим Рифоий Хавфсизлик Кенгаши раисига мактуб юбориб, ундан 11 октябрда Иордания—Исроил чегарасида бўлиб ўтган можаролар натижасида юз берган жиддий аҳволни муҳокама қилмоқ учун шошилинч равишда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг мажлисини чақиришни илтимос қилди.

Араб мамлакатлари иттифоқи кенгашининг сессияси очилди

ҚОҲИРА, 15 октябрь (ТАСС). Бугун Қоҳирада араб мамлакатлари Иттифоқи Кенгашининг навбатдаги сессияси очилди. Сессия бир қанча масалаларни, шу жумладан араб мамлакатларидаги умумий аҳволни, Сувайш масаласини, Яманнинг жанубий районлари масаласида Англия-Яман ўртасидаги жанжални, Исроил — Иордания ўртасидаги жанжални, Исроилда араб миллатидан бўлган озчилик аҳолининг таъқиб этилиши масалаларини муҳокама қилади.

Италия Коммунистик партияси ва Югославия коммунистлар союзи вакиллари ўртасида музокаралар

БЕЛГРАД, 15 октябрь. (ТАСС). «Борба» газетаси хабар беради: 14 октябрда Люблянада ва Бледда Италия коммунистик партияси делегацияси билан Югославия коммунистлар союзи Марказий комитети вакиллари ўртасида музокаралар давом этди. Югославия томонидан музокараларда Югославия коммунистлар союзи Марказий комитети ижроия комитетининг аъзоси Эдвард Кардель, Словения коммунистлар союзи Марказий комитетининг секретари Миха Маринко, Югославия коммунистлар союзи Марказий комитетининг аъзолари Вида Томшич ва Велько Влахович ва бошқалар қатнашди.

Музокаралар вақтида иккала партия ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ва партиялараро муносабатларга доир бошқа проблемалар ҳақида фикр олишинди. Айни бир вақтда Италия коммунистик партиясининг масъул арбобларига ишчиларнинг ўз-ўзини бошқариши тўғрисида, Югославиянинг иқтисодий структураси ҳақида ва уларни қизиқтирган бошқа спёсий проблемалар тўғрисида тегишли изоҳатлар берилди.

Бугун Италия коммунистик партиясининг делегацияси Люблянадан Триестга, у ердан Италияга жўнаб кетади.

ИТАЛИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЮГОСЛАВИЯДА БЎЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

БЕЛГРАД, 15 октябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Италия коммунистик партияси делегациясининг Югославияда бўлганлиги муносабати билан ахборот эълон қилинди.

Италия коммунистик партиясининг делегацияси, дейилади ахборотда Югославия коммунистлар союзи ва Югославия меҳнаткаш халқи Социалистик союзининг меҳмони сифатида 5 октябрдан 15 октябргача Югославияда бўлди.

Делегация Югославия коммунистлар союзининг бош секретари ва Югославия меҳнаткаш халқи Социалистлар союзининг раиси Ўртоқ Иосип Броз Тито ҳузурида бўлди ва Югославиянинг партия, жамоат ва касаба союз ҳаётининг бир қанча раҳбарлари билан музокаралар олиб борди.

Музокаралар ва мунозаралар, деб таъкидланади ахборотда, дўстлик руҳида, тенг ҳуқуқлилик негизида ҳамда Югославия Коммунистлар союзини ва Италия Коммунистик партиясини қизиқтирадиган ҳамма масалалар юзасидан ошкора фикр алмашиш руҳида ўтди. Бу учрашувлар ҳамкорлик қилиш, ҳар иккала мамлакатдаги ишчилар ҳаракатининг манфаатлари йўлида фикрларни ва тажрибани алмашиш, дунёда социализмни ривожлантириш ва халқларни бир-бирларига яқинлаштиришнинг фойдали эканлигини яна бир марта тасдиқлади.

Ахборотда айтилишича, Югославия коммунистлар союзи Италия Коммунистик партиясининг яқинда бўладиган съездига делегация юбориш тўғрисидаги таклифни қабул қилган.

ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СССРГА КЕЛИШИГА ДОИР

СССР Олий Советининг, Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг раислари Германия Федератив Республикаси Бундестагининг Президенти Э. Герстенмайерга ва Германия Федератив Республикаси Бундесратининг Президенти К. фон Ҳассельга шу йил июль ойида қуйидаги мазмунда хат юборган эдилар:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасида яхши муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида СССР Олий Совети Германия Федератив Республикаси Парламентининг делегациясини СССР Олий Советининг иши ва совет халқининг турмуши билан танишмоқ учун 1956 йилда Совет Иттифоқини келиб кўришга таклиф этиш шарафига эгадир.

Таклифимизни қабул қилганлигингиз тўғрисида ва Сизнинг делегациянгизнинг СССРга келиши учун мақбул вақт белгилаганлигингиз ҳақида хабар юборсангиз биз Сизга ташаккур айтган бўлур эдик».

Германия Федератив Республикаси Бундестагининг Президенти Э. Герстенмайер бу таклифга жавобан яқинда П. П. Лобанов ва В. Т. Лацис номига қуйидаги хатни юборди:

«Мухтарам жаноблар,

Сизлар СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети номидан 1956 йил 4 июлда немис бундестаги учун менга юборган таклифингиз масаласига энди жавоб бериш шарафига муяссар бўлдим. Немис бундестаги бу таклифни мамнуният билан қабул қилганлиги тўғрисида Сизларга хурсандлик билан хабар қиламан. Немис бундестаги ўз зиммасига илгари олган бир қанча мажбуриятларни бажариши, масалан, Парламентлараро Иттифоқнинг Бангкокдаги Жаҳон конгрессига делегация юбориши лозим бўлганлигини ҳисобга олиб, қачон бориш муддатини белгилаш тўғрисида мен Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг бу ердаги Элчихонаси билан алоқа боғлашни лозим топаман.

Менинг астойдил ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Сизларга садоқат билан

доктор Э. Герстенмайер.

Бонн, 1956 йил, 4 октябрь.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ ИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МИСРДА БАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

ҚОҲИРА, 15 октябрь. (ТАСС). Газеталар Хавфсизлик Кенгашининг Сувайш масаласи ҳақидаги резолюциясида айтилган олти принцип тўғрисида Миср расмий доиралари чиқарган ва МЕН агентлиги билдирган баёнотни босиқ чиқардилар.

Баёнотда айтилишича, Миср каналда кемаларнинг эркин қатнаб туришини таъминлашга қаттиқ қарор берганлигини ва Миср ўзининг ички ишларига бирон тарзда аралашувга ҳар қандай вазиятда ҳам рози бўлмаслигини бир неча марта таъкидлаб ўтган эди. Миср, канални халқаро миқёсда бошқариш тартибини ўрнатиш ҳақидаги талаб ана шундай аралашишдан ва унинг суверенитетига очиқдан-очиқ қасд қилишдан иборат эканлигини айтган эди.

Баёнотда Миср ташқи ишлар министри Маҳмуд Фавзийнинг Хавфсизлик Кенгашидаги нутқи эслатиб ўтилади. М. Фавзий ўзининг ана шу нутқида Сувайш масаласини 1888 йилги конвенцияни таъқиблайдиган ёки унинг ўрнини босадиган янги халқаро битим тузиш йўли билан ҳамма нарсага қараганда ҳам яхшироқ ҳал этилиши мумкинлигини кўрсатиб ўтган эди. Бу масалани бошқача ҳал этиш Мисрнинг суверен ҳуқуқларини поймол қилади.

Сўнгра баёнотда айтилишича, резолюциянинг каналдан ўтганлик учун ҳақ тўлашга ва канални янада кенгайтиришга тааллуқли бўлган моддалари Мисрнинг позициясига мос келади. Миср халқаро ҳамкорликка розидир, аммо халқаро контроль ўрнатилишига рози эмас. Бундай ҳамкорлик Мисрнинг канал маъмурияти билан каналдан фойдаланувчи мамлакатлар ўртасида бўлиши лозим.

Баёнотда Мисрнинг арбитражга рози эканлигини ҳам уқтириб ўтилади.

Англия ўқитувчилари миллий союзининг раҳбарлари Тошкентга келди

РСФСР маориф ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Англия ўқитувчилари миллий касаба союзи раҳбарлари делегацияси Тошкентга келди. Делегация составида ўқитувчилик касби ташкилотлари Жаҳон конфедерациясининг раиси ва Англия ўқитувчилари миллий касаба союзининг бош секретари Рональд Гоулд ва Англия ўқитувчилари Миллий касаба союзининг раиси Эдвард Бриттон бор.

Меҳмонлар келган куннинг ўзидаёқ Ўзбекистон пойтахтидаги диққатга сазовор жойлар билан танишди, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих музейида бўлди, Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театрида «Ганг дарёсининг қизи» спектаклида ҳозир бўлди. Бу асар улуг ҳинд ёзувчиси Рабиндранат Тагорнинг «Ҳалокат» романи асосида яратилган.

Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари Х. Рашидов меҳмонларни қабул қилди.

Делегация Ўзбекистонда бир неча кун бўлади. Делегация республикадаги бир қанча ўқув юртларига, маданий-оқартув муассасаларига боради, колхозларда бўлади. (ЎзТАГ).

ИТАЛИЯ ЖАМОАТ АРБОБЛАРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети таклифига мувофиқ СССРда меҳмон бўлиб турган Италиянинг тинчлик учун курашган, кўзга кўринган жамоат арбоблари делегацияси 15 октябрда Тошкентга келди. Парламент депутати, Италия тинчлик Миллий Кенгашининг секретари Акилле Корона жаноблари делегацияга бошчилик қилмоқда. Делегация составида «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти лауреати Андреа Гаджеро, Италия тинчлик Миллий Кенгашининг аъзоси Эна Ломабарди хоним, профессорлар, ёзувчилар, спёсий арбоблар бор.

Тошкент аэродромида меҳмонларни тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон республика комитетининг раиси Ж. Хўжаев, тинчликни ҳимоя қилиш республика комитетининг секретари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. А. Саримсоқов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. Турсунов, Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Х. У. Усмонов, «Правда Востока» газетасининг редактори М. Муҳамедов, чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Т. Ж. Жўраев, Ўрта Осиё политехника институтининг директори М. И. Ниёзов, СССР халқ артисти С. Эшонтўраева, Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Турғунбоева ва жамоат вакиллари кутиб олдилар. Меҳмонларга гулдасталар тақдим этилди.

Делегация бошлиғи Акилле Корона жаноблари самимий кутиб олинганликлари учун миннатдорчилик билдирди.

У ўз сўзининг охирида рус тилида: Италия ва СССР халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланишига ва ривожланишига, деди.

Италиялик Меҳмонлар келган кунларнёқ шаҳар билан танишдилар, Навоий номли давлат халқ кутубхонасида бўлдилар. (ЎзТАГ).

Тошкент шаҳар ижроия комитетида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети шу йил 28 сентябрда жамоат тартибини ва кўча қоидасини бузувчиларга қарши курашни кучайтириш учун шаҳар милиция бошқармасининг ҳуқуқини ошириш юзасидан қарор чиқарди. Милиция органларига тартибни бузувчилардан 3 сўм ўрнига 25 сўмгача штраф олиш ҳуқуқи берилди. Штраф Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини бузганлик учун жавобгарликни ошириш ҳақида», «Шаҳар кўчаларида автотранспортда сигналсиз юришни жорий қилиш ҳақида», «Юк транспортларининг ҳаракатини тартибга келтириш ҳақида», «Сувда бўладиган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш чоралари ҳақида», «Тошкент троллейбусидан фойдаланиш қоидалари ҳақида», «Тошкент трамвайидан фойдаланиш қоидалари ҳақида» ва «Тошкент шаҳрида енгил такси машиналаридан фойдаланиш қоидалари ҳақида»ги мажбурий фармойишини бузувчи шахслардан олинади.

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ



Тошкент «Спартак» стадионида енгил атлетика бўйича шаҳар мусобақаси бўлиб ўтди. **Суратда:** барьер билан 80 метрга югуриш пайти, чапдан ўнгга: Ўзбекистон чемпиони **Т. Бондаренко.**

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фото-хроникаси)

Тошкент енгил атлётикачиларининг мусобақалари

«Спартак» стадионида шаҳар енгил атлетикачиларининг мусобақалари бўлиб ўтди. Бу мусобақаларда хизмат кўрсатган спорт мастерлари, СССР, Европа ва жаҳон чемпионлари Галина Зибина, спорт мастери Б. Баляев ва бошқалар ҳам қатнашдилар.

Мусобақаларнинг биринчи ва иккинчи кунларида 1956 йил ноябрь ва декабрь ойларида Мельбурн (Австралия) шаҳрида бўлиб ўтадиган XVI олимпиада ўйинларига киритилган квалификациялашган нормативлар бўйича учрашувлар бўлиб ўтди. Мусобақа қатнашчиларининг кўпчилиги бу нормани бажардилар. Мусобақанинг биринчи куни СССР, Европа ва жаҳон бўйича қўйилган янги рекордлар билан нишонланди. Хизмат кўрсатган спорт мастери Галина Зибина ядрони 16 метр 70 сантиметрга ирғитиб, янги жаҳон рекордини қўйди.

Спорт мастери Б. Баляев (Москва) эркаклар ўрталаша ядро ирғитиш бўйича ўтказилган мусобақада мамлакатимизнинг янги рекордини қўйди. У ядрони 17 метр 44 сантиметрга ирғитиб, В. Овсянянга тегишли бўлган рекордни янгилади.

Иккинчи куни мусобақалар гоят қизиқарли ўтди. Югуриб келиб узунликка сакрашда 7 метр 69 сантиметр узунликка сакраган Бондаренко СССР бўйича янги рекорд қўйди. Беш минут ўтар-ўтмас спортчи В. Попов шу рекордни яна бир марта такрорлади.

400 метрга барьерли югуришда спорти мастери Ю. Литуев 50,4 секунд вақтга эга бўлиб биринчи ўринни олди. У ўзига тегишли бўлган СССР ва Европа рекордини яна бир марта такрорлади. Спортчи А. Самоцветов молотни 64 метр 15 сантиметрга ирғитди. Шест билан баландликка сакраш бўйича Ўзбекистон рекордчиси Чувилин 4 метр 30 сантиметр баландликдаги планкадан ошиб ўтди.

Хотин-қизлар ўртасида ўтказилган мусобақалар ҳам кескин вазиятда ўтди. 80 метрга барьерли югуришда 10,9 секунд вақтга эга бўлган Г. Бистрова ва М. Голубничная ўртоқлар биринчиликни олдилар.

Югуриб келиб баландликка сакраша тошкентлик спорт мастери, СССР чемпиони, СССР халқлари спартакиадасининг голиби, Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети география факультетининг студенти Валентина Баллэд яхши натижага эришди. У 168 сантиметр баландликка сакраб, Москвада СССР халқлари спартакиадасида эришган ютугини яна бир марта такрорлади. Югуриб келиб узунликка сакраша М. Писарева иккинчи ўринни эгаллади.

Мусобақалар 20 ва 21 октябрда ҳам давом этади.

С. ЮТЛАНДОВ.

ФУТБОЛ

Узбекистон биринчилиги учун

Ўтган дам олиш куни Тошкентдаги «Пишчевик» стадионида футбол бўйича «Пишчевик» кўнгилли спорт жамияти Ўзбекистон биринчилиги учун ўтказган мусобақалари тамом бўлди. Финал мусобақаларида 11-ёғ заводи (Алимкент), 3-пиво заводи (Тошкент), 10-ёғ заводи (Фарғона), Микоян номли ёғ-экстра заводи (Каттақўрғон) командалари қатнашдилар.

Каттақўрғонлик футболчилар фарғоналикларни 1:0, тошкентликларни 7:0 ҳисоби билан ютдилар. Алимкентлик футболчилар билан бўлган учрашув 1:1 ҳисоби билан тугади. Шундай қилиб, Каттақўрғон командаси 6 имкониятдан 5 очко олиб, биринчиликни эгаллади.

Футбол мусобақаларида фарғоналик спортчилар иккинчи ўринни эгалладилар. Улар қаттақўрғонлик футболчилардан фақат бир очко кейинда қолдилар. Алимкент командаси учинчи ўринни олди.

Мусобақада ғолиб чиққан Каттақўрғон командасига кўчма мукофот берилди ва спортчиларга «Пишчевик» кўнгилли спорт жамияти Ўзбекистон Советининг ёрлиқлари топширилди.

А. КИМ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/X да **Қароқчилар**, 18/X да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/X да **Фарҳод ва Ширин**, 18/X да **Кўнгил куйлари.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 17/X кеч соат 9 да **эстрада концерти.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 3 бўлимда катта томошалар. **А. Г. Сокол** раҳбарлигида янги оригинал аттракцион — **«Мўъжизаси мўъжизалар».** Томоша кеч соат 8 да бошланади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Иккинчи ёшлик.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 9 ва 10 яримда **Салом, Москва!** қолган сеансларда **Иккинчи ёшлик.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» (Кафанов номли парк) — **45-квадратда.**

«ХИВА» — **Иккинчи ёшлик.**

«ЎДАРНИК» — **Меҳмонхона дастёри.**

Омонат кассаларга ютуқли омонатлар қўйингиз!

1956 йил 8 октябрда Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАРНИНГ 28-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тошкент область омонат кассаларидаги ютуқли омонат счётларининг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Счёт номерлари	Ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига % билан)	Счёт номерлари	Ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига % билан)	Счёт номерлари	Ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига % билан)	Счёт номерлари	Ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига % билан)
05	25	241	25	490	25	739	25
57	25	293	25	533	25	787	25
113	100	328	25	562	25	825	100
135	25	388	50	638	25	861	25
178	20	434	50	669	25	881	25
223	200	460	25	690	25	948	25
						971	25

Счётларнинг сони 1000 дан ошиқ бўлган омонат кассаларида, биринчи мингда қайси номерлар ютган бўлса, янаги мингларда ҳам худди шу номерлар ютгандир, яъни № 1005, 2005, 3005, 1057, 3057, 1113, 2113, 3113 ва ҳоказо.

Тираж комиссиясининг раиси А. А. Росинский.

Комиссиянинг масъул секретари С. М. Муҳамедов.

Паспорт режимини мустаҳкамлайлик

Республикамиз пойтахти —Тошкент шаҳри ҳам паспорт режимига қатъий риоя қилинадиган шаҳарлардан бири ҳисобланади. СССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган паспорт ҳақидаги янги Низом тексти бундан бир йил муқаддам Тошкент шаҳридаги барча муассаса, корхоналар ва уй бошқармаларига тарқатилган эди. Район ижроия комитетлари ва милиция бўлимларининг ходимлари шаҳар аҳолиси ўртасида янги Низом юзасидан тегишли тушунтириш ишлари олиб бордилар.

Бироқ шунга қарамай, Тошкентда паспорт режимини бузиш ҳоллари тез-тез юз бераётганлигини кўриш мумкин. Масалан, август ойида ўтказилган текширишда Тошкент тўқимачилик комбинатининг мингдан ортиқ ишчиси паспорт режимини бузганлиги аниқланди.

Шундай фактлар ҳам учраб турадики, айрим уй бошқармалари, район уй-жой бошқармалари ва милиция ходимлари яшаш учун Тошкентга кўчиб келувчи кишиларни катта кичиклиги санитария қоидаларига жавоб бермайдиган уй-жойларга пропискадан ўтказишга ҳали ҳам йўл қўйиб келмоқдалар. Кўпгина уй бошқарувчилари, комендантлар, маҳалла комитетлари, район ижроия комитетлари ва район уй-жой бошқармаларининг контролсизлигидан фойдаланиб, паспортсиз ёки паспортининг муддати ўтган ва прописка қилинмаган шахсларнинг яшаб туришига бепарво қарамоқдалар.

Бир қатор идора ва корхоналар кўпинча бошқа область ҳамда шаҳарлардан келган кишиларни ишга қабул қиладилару, лекин уларни уй-жой билан таъмин қилмайдилар. Бундай аҳвол квартираларда турувчиларнинг рухсат этилган даражадан ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Тошкент шаҳар ижроия комитети мана шуларни ҳисобга олиб, шаҳарда паспорт режимини мустаҳкамлаш юзасидан махсус қарор қабул қилди. Граждани прописка қилиш вақтида бир кишига 9 квадрат метрдан уй-жой майдони, студентлар ётоқхонасида 6 квадрат метрдан ва ишчилар ётоқхонасида 4,5 квадрат метрдан бўлиши кераклиги юзасидан белгиланган нормага қаттиқ амал қилинади.

Янги қурилаётган уйлар учун уй дафтарлари район коммунал хўжалик бўлимлари берган справкаларга асосан Тошкент милиция бўлимлари томонидан берилади.

Гражданларни пропискасиз, паспортсиз ёки муддати ўтган паспорт билан яшашга йўл қўйган уй бошқармалари, ётоқхона комендантлари ва шахсий уй-жой эгаларига нисбатан маъмурий чора кўрилади. Шунингдек, маъмурий ва жавобгартлик чоралари Тошкентда прописка қилинмаган ёки чекланган паспорт олиб, шаҳар чеккасидаги районларда пропискадан ўтган шахсларни ишга қабул қилган идора ва корхоналарнинг маъмуриятларига нисбатан ҳам қўлланилади. Ишлаб чиқариш хоналари, ертўла, чойхона, қизил бурчаклар ва плансиз уйларда яшовчи гражданларни пропискадан ўтказиш манъ қилинади.

Маъмурий органлар ва район ижроия комитетлари паспорт ҳақидаги Низомнинг 41-моддасига биноан ижтимоий-фойдали ишлар билан шуғулланмовчи шахсларни ўз вақтида шаҳардан чиқариб юборишга мажбурдирлар .

Прописка қилиш қоидаларига риоя қилинишига уй бошқармалари, ётоқхона комендантлари ва маҳалла комитетлари жавобгардирлар.

Прописка қилиш қоидаларини бузган милиция ходимлари қаттиқ жазоланади.

Тошкентда паспорт режимини мустаҳкамлаш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга оширишда шаҳар жамоатчилиги актив қатнашиши керак.

И. ҚАЛАНДАРОВ,

Тошкент шаҳар милиция Бошқармасининг бошлиғи.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими—132, Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 07503. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1545.